O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ислом КАРИМОВ:

Ўзимизга аниқ ва равшан мақсадларни — эл-юртимиз олдида турган вазифаларни белгилаб олдик. Энди том маънодаги вазифамиз — одамларимизнинг ғурурини уйғотиш, ягона Ватанимиз бўлмиш Ўзбекистонимиз учун ифтихор туйғусини тарбиялаш, биргалашиб, бир ёқадан бош чиқариб, белимизни қаттиқ боғлаб ана шу уфқлар сари шахдам қадам қўйишдир

O'ZBEKISTON OVOZI

2000 ЙИЛ
6 АПРЕЛЬ,
ПАЙШАНБА

№ 42 (25.592).

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

GAZETA 1918 YIL 21 IYUNDAN CHIQA BOSHLAGAN

ЙИЛ ОЙ КУН

ЭНГ КЎП КИТОБ ЎҚИГАНЛАР

Ғузор туманидаги Бўстон қишлоқ хўжалиги кооперативида энг кўп китоб ўқиганлар танлови бўлди.

Унда ўтган 1999 йил давомида хўжалик ҳудудида фаолият кўрсатаётган кутубхонадан энг кўп китоб олиб ўқиганлар аниқланди. Ҳасан Жумаев, Ҳусан Ихлосов, Диёр Сувонов, Эргаш Муродовлар мазкур танлов ғолиблари сифатида эътироф этилиб, эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Чунки, уларнинг ҳар бири бир йилда 15 тадан китоб ўқишган.

Кутубхона мудираси Холниса Қаҳҳорованинг таъкидлашича, хўжалик раҳбарининг ўзи кўпроқ тарихий ва шеърий асарларни мутолаа қилар экан.

— 200 минг сўмни янги чоп этилган китоблар харажати учун ажратдик, — дейди хўжалик раҳбари Йўлдош Ҳалилов.

■ **Илҳом КАРОМОВ**

ФРАНЦИЯДА ОШХЎРЛИК

Жонажон Ўзбекистонимизнинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаётганлиги қалбимизни ғурурга тўлдирмоқда.

Франциянинг Самарқанд билан биродарлашган Лион шаҳрида бўлиб ўтган халқаро кўргазмада кўҳна шаҳар халқ амалий санъати ва бадиий ҳунармандчилиги вакиллари ҳамда санъаткорларнинг иштироки французларда ҳайрат уйғотди.

— Халқаро кўргазма шундай самимий нигоҳлар остида ўтдики, — дейди гуруҳ раҳбари, Сиёб тумани ҳокими Ш. Рафиқов, — дунёнинг турли бурчакларидан келган миллат вакилларини таржимонсиз тушундик. Улар ўзбекистонлик усталарнинг ижодий намуналарини кўзларига ишонмай, бир неча дақиқа қўлларида ушлаб томоша қилдилар. Айниқса, самарқандча паловни татиб кўришга ошиққан меҳмонларни кузатиш ва уларга лутф кўрсатиш жуда мароқли бўлди.

■ **Лутфулла МАМАСОЛИЕВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

2000 ЙИЛДА 2000000 ЙЎЛОВЧИ

Жаҳоннинг бообрў авиакомпаниялардан бирига айланган «Ўзбекистон ҳаво йўллари» йўловчилар ва юк ташиш ҳажмини ошириб бораётир. Чунончи, ўтган йили авиакомпания бир миллион 700 минг йўловчига хизмат кўрсатди.

Ёзги жадвал бўйича ишлашга ўтган миллий авиакомпания йўловчилар учун қандай янгиликларни ҳозирлаган, 2000 йилда қандай янги йўналишлар бўйича уларга хизмат кўрсатилади. Ушбу масалага бағишланган матбуот анжуманида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг бош директори Арслон Рўзметов қуйидагиларни таъкидлади.

— 2000 йилда йўловчиларга бир қатор янгиликлар ҳозирланган: 6 апрелдан бошлаб Шарқ ва Ғарбнинг икки қадимий маданият ўчоқлари ўртасида ҳаво кўприги ўрнатилади. Тошкентдан Римга ҳаво қатновлари амалга оширилади. Шунингдек, Англиянинг Бирмингем, Ҳиндистоннинг эса Амритсар шаҳрига самолётларимиз парвоз қилмоқда. Бу эса йўловчиларга қулайлик яратаётир. Ниятимиз 2000 йилда 2 миллион йўловчига хизмат кўрсатишга эришиш.

Дарҳақиқат, ўзбек учувчиларининг маҳорати ва энг замонавий само қушлари эзгу ният қанотларидир.

■ **Алишер РЎЗИЕВ**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ДОРИЛФУНУНДА УЧРАШУВ

Бу йил Тошкент аграр университетини 300 дан зиёд йигит-қиз қишлоқ хўжалик мутахассислиги бўйича битириб чиқади. Куни кеча уларнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Нажмиддин Комилов билан учрашуви бўлиб ўтди. Унда демократия ва парламент тизими, мамлакатимизда яқинда бўлиб ўтган сайловлар ҳақида сўз юритилди. Қизғин савол ва жавобларга бой учрашув ёш мутахассисларда ўчмас таассурот қолди.

■ **Бобо САРОЙИ**

Ўзбек гиламдўзлиги — улкан санъат — **Абдурасул ПАРДА олган сурат**

ИЧИМЛИК СУВГА ЁЛЧИШДИ

Ромитан туманида яшовчи деярли барча аҳоли шу кунга қадар шўр сув истеъмол қилавергани учун юқумли касалликлардан азият чекарди. Туман ҳокимлиги аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласини узил-кесил хал қилиш тадбирларини ишлаб чиқди. Шунга кўра, «Оролбўйи» бирлашган дирекцияси, «Обиҳаёт» масъулияти чекланган жамият, «Зилол сув» ЛТД фирмаси билан ҳамкорликда, 70 километр сув қувурлари ётқизилди. Натижада «Челонғу», «Ўзбекистон», Ибн Сино номли, «Қўрғон-Ромитан» жамоа хўжаликларида яшовчи аҳоли сувга ёлчиди.

■ **Даврон БАҲРОНОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ИЛМИЙ ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институтида бўлиб ўтган илмий-амалий анжуманда франциялик тарихчи олим, Франция колледжи университетининг профессори Жерар Фюсманнинг қадимий ўзбек давлатчилиги тарихига оид «Кушон даври тарихи тадқиқотларида янги кашфиётлар» мавзуидаги маърузаси муҳокама қилинди. Маърузада Кушонлар салтанатининг шаклланиш тарихи, тарихий географияси ва чегаралари, ҳукмдорларнинг сулолавий шажараси, мамлакатда кечган ички ва ташқи савдо — пул муомалалари моддий маънавий маданияти масалаларига оид кўплаб янги илмий хулосалар ўртага ташланди. Булар орасида Афғонистоннинг шимолида, Термиз яқинида жойлашган Рабатак қишлоғидан топилган Бохтарий ёзма ёдгорликлар, улардаги Кушон шоҳлар шажараси бўйича янги маълумотлар қатнашчиларда катта қизиқиш уйғотди. Гап шундаки, бу манба асосида Кушонлар хронологиясида янги, илгари номаълум Вима Токтоу подшолиги даври бўлгани тарихий тасаввурларимизни кенгайтиради.

■ **Ойгул СУЮНОВА**

ЭЗГУ ИШЛАР

Фарғона вилояти марказида замонавий услубда жиҳозланган ногиронларни тиббий-ижтимоий ҳамда касбий реаблитация қилиш маркази очилди. 50 ўринга мўлжалланган ушбу марказда ногиронларга ҳар тарафлама малакали хизмат кўрсатиш учун тўла шарт-шароитлар яратилган.

Умуман кейинги даврда Фарғона вилоятида ёлғиз кексалар, ногиронлар ва нафақахўрларни ижтимоий ҳимоялашга катта эътибор берилмоқда. Айни пайтда вилоятда 3 та «Мурувват», 1 та «Саховат» уйлари фаолият кўрсатяпти. Вилоят корхона, ташкилотлари, тадбиркорлар бу хайрли ишга кенг жалб этилган. Ўтган йил давомида уларга 60 миллион сўмликдан зиёд ҳомийлик ёрдами ташкил этилганди. Савобталаблар ҳисобига 46 та махсус аравача сотиб олиб, муҳтож ногиронларга топширилди. 5,5 мингдан ортиқ ёлғиз кексалар ва ногиронларнинг газ, сув, электр энергияси тўловларни ҳомийлар тўлаб қўйдилар. Саховатлилар бор бўлаверсин.

■ **Алишер ИБОДИНОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ХДП ХАБАРИ

ЯНГИ МАРРАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

ЎзХДП Жиззах вилоят Кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унда вилоят партия ташкилотининг республика Президенти И.А.Каримовнинг Олий мажлис иккинчи чақириқ биринчи сессиясидаги маърузасидан ва ЎзХДП Марказий Кенгаши иккинчи пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифалари, шунингдек, вилоят Кенгаши ижроия бюросининг ўтган йилги фаолияти якунлари ҳамда партия ташкилотининг молиявий аҳволига доир масалалар кўриб чиқилди. Вилоят партия Кенгаши иккинчи котиби А.Тошбеков маруза қилди.

Пленум муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

■ **Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахсларни Қуролли Кучлар сафларидан заҳирага бўшатиш ва фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга навбатдаги чақириш тўғрисида

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» ва «Муқобил хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахслар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан заҳирага бўшатилсин.

2. 1973-1982 йилларда туғилган, чақириқ муддатини узайтириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари 2000 йилнинг апрель-май ойларида муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2000 йил 5 апрель

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

ҚИШЛОҚДАГИ ТЎҚНАШУВ

Косовода тинчликни сақловчи халқаро кучлар сафида хизмат қилаётган 11 нафар аскар ўлка жанубида серблар билан бўлган тўқнашувда яраланди.

Ҳарбийлар Севче қишлоғида ғайриқонуний равишда қурол сақлагани учун бир сербни ҳибсга олганда, маҳаллий аҳоли аскарларни ўраб олиб, қишлоқдан чиқишига тўсқинлик қилди. Кейин огоҳлантиришларга қарамай, одамлар ҳарбийларни тошбўрон қила бошлади. Ёрдамга икки юз нафар аскар келиб қўшилгач, икки ўртада катта жанжал бошланиб кетди.

Хабарларга қараганда, саккиз соат чамаси давом этган олишувда 14 нафар серб ҳам елим ўқлардан яраланган. Ҳибсга олинган шахс эса қочиб қолишга улгурган.

МАҚСАД — БАРҚАРОРЛИК

Туркия парламентида мамлакат конституциясига тузатиш киритиш масаласи овозга қўйилмоқда. Бу тузатиш Президент Сулаймон Демирэлнинг яна беш йил давомида ўз лавозимида қолишини кўзда тутади. Хабарларга қараганда, бу воқеа мамлакат ҳукумати учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Агар парламентда тузатиш қабул қилинмаса, коалицион ҳукумат истеъфо беришга мажбур бўлади.

Бош вазир Булент Эжевитнинг фикрича, С. Демирэлнинг ўз лавозимида қолиши мамлакатда барқарорлик сақланишини таъминлайди. Бироқ парламент вакилларининг фикри ўзгача. Шу боис, ҳукуматнинг бу борадаги биринчи уриниши зое кетган эди.

МАНДЕЛА АҚШ ВА БУЮК БРИТАНИЯНИ АЙБЛАДИ

Жанубий Африка Республикасининг собиқ президенти Нелсон Мандела АҚШ ва Буюк Британияни «дунёда тартибсизлик пайдо бўлишига сабабчи», деб айблади. У Лондонда нашр этиладиган «Гардиан» газетасига интервью бериб, АҚШ ва Буюк Британия ўзга давлатларнинг манфаатларини инобатга олмаган ҳолда иш юритиши боис ер юзидаги тартибга путур етганини айтди. Хусусан, Н. Мандела мазкур икки мамлакатни Ироқ ва Косоводаги можароларга БМТ Хавфсизлик Кенгашининг розилигини олмай туриб аралашгани учун танқид қилди.

РЕФЕРЕНДУМ ЎТКАЗИШМОҚЧИ

Украина Европа Кенгашининг огоҳлантиришларига қарамай, Президент Леонид Кучманинг ваколатларини кенгайтириш борасида референдум ўтказади. Ушбу мамлакат ташқи ишлар вазири Борис Тарасюкнинг айтишича, бундай референдум Украина конституциясига, шунингдек, Европа Кенгаши ҳужжатларига зид эмас.

Сешанба куни Европа Кенгаши Украина раҳбарини огоҳлантириб, агар референдум ўтказилгудек бўлса, ушбу мамлакат тузилма сафидан чиқариб юборилиши мумкинлигини билдирган эди. Президент Л.Кучмага ҳам референдумлар ҳақида янги қонун қабул қилинмагунга қадар бу тадбирни ўтказмай туриш тавсия этилганди.

■ **ЎзА**

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«БИР БАЛОСИ БЎЛМАСА...»

«Ўзбекистон овози» газетасининг шу йил 27 январь сонида юқоридаги сарлавҳа остида чоп этилган танқидий мақолада Каттақўрғон шаҳар суд-тиббий экспертиза бюроси ходимларининг қинғирликлари ҳақида сўз юритилган эди. Мақола юзасидан иккита жавоб хати олинди. Қуйида уларни эътиборингизга ҳавола этамиз.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ:

«Ўзбекистон овози» газетасининг 2000 йил 27 январь сонида чоп этилган «Бир балоси бўлмаса...» мақоласи юзасидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг суд-тиббий экспертиза Бош бюроси мутахассислари томонидан Самарқанд вилоятида тегишли хизмат текшируви ўтказилди.

1997 йил 19 январда Каттақўрғон шаҳар прокуратурасининг терговчиси Ф.Н.Саримсоқовнинг қарорига асосан Самарқанд вилоят суд-тиббий экспертиза бюроси бўлим мудири У.М.Маматқулов ҳамда Каттақўрғон шаҳар суд-тиббий эксперти Ф.Р.Маҳмудовлар томонидан С.Эсонов мурдасининг экспертизаси ўтказилди.

У.М.Маматқулов жиноятни очиш бўйича вилоят ички ишлар бошқармаси томонидан тузилган тезкор-тергов гуруҳ таркибига киритилган ва мурданинг экспертизаси унга юклатилган. Ҳақиқатдан ҳам 1996 йил 31 декабрдан экспертлар К.Г.Хидирова ва Ф.Р.Маҳмудов меҳнат таътилида бўлишган, аммо хизмат зарурати бўйича Ф.Р.Маҳмудов 1997 йил 7 январда таътилдан чақириб олинган (1997 йил 7 январь, 11-сонли буйруқ). Вилоят ички ишлар бошқармаси ва Каттақўрғон шаҳар прокуратурасининг тавсиясига мувофиқ меҳнат таътилида бўлган К.Г.Хидирова чақиртирилган ва у экспертиза ўтказиш учун зарур бўлган асбоб-ускуналарни таъминлаган, экспертиза жараёнида қатнашган.

Экспертиза хулосасида мурдадаги барча ички ҳамда ташқи жароҳатлар келтирилиб, улар ўтмас жисмлар таъсирида етказилганлиги, ўлим бош мия жароҳатидан содир бўлганлиги қайд этилган.

Айрим жароҳатлар (хусусан ўнг қўлидаги) ўз-ўзини ҳимоя қилиш вақтида олиниши мумкин, шу сабабли хулоса тўхтамларидаги 7-саволга берилган жавобни асосли деб бўлмайди. Мақолада келтирилган жароҳатнинг маълум бир жисм билан етказилиши мумкинлиги ҳақидаги масала экспертиза олдига қўйилмаган, терговда жиноят қуроли тарзида олинган жисм, у билан боғлиқ тафсилот маълумотлари экспертлар ихтиёрига тақдим этилмаган. Амалдаги қонун тартибларига мувофиқ экспертизанинг барча турларини тайинлаш ваколати фақат ҳуқуқ-тартибот идораларида бўлиб, ушбу масалалар тегишли қўшимча экспертизада ҳал қилиниши мумкин.

Ўтказилган хизмат текшируви натижалари Самарқанд вилояти экспертлари орасида муҳокама қилиниб, тегишли чора-тадбирлар кўрилди.

Вазир Ф. НАЗИРОВ

* * *

Газетанинг 27 январь сонидаги «Бир балоси бўлмаса...» мақоласи юзасидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги 29 феврал 2000 йил № 10-5/129-сон жавобга қўшимча тарзда қуйидагиларни маълум қилади:

Эсонов Сафар мурдасининг экспертизасида йўл қўйилган камчиликлар Самарқанд вилояти экспертлари ўртасида муҳокама қилиниб, тегишли чоралар кўрилди. Хусусан, экспертлар У.М.Маматқулов, Ф.Р.Маҳмудов шу йилнинг апрель ойида вазирликнинг комиссиясида эгаллаб турган лавозимига лойиқлиги масаласи бўйича навбатдан ташқари аттестациядан ўтиши зарур деб топилди.

У.М.Маматқулов оғир жиноятларни очиш бўйича вилоят ички ишлар бошқармаси қошидаги тезкор-тергов гуруҳи таркибидан чиқарилди.

■ **Даволаш-профилактика ёрдами кўрсатиш Бош бошқармаси бошлиғи Ф. ИЛҲОМОВ**

ТАРИХИМИЗ САҲИФАЛАРИ

1991 — 2000

1995 ЙИЛ

23-24 февраль. Тошкентда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Олий Мажлисдаги Ўзбекистон ХДП фракциясининг раиси, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби А. Жалолов нутқ сўзлади.

25 февраль. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўмининг «Наврўз» байрамини ўзказишда Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг иштироки тўғрисида»ги қарорининг баёни матбуотда чоп этилди.

25 февраль. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўми Халқаро хотин-қизлар кунини нишонлашда партиямиз ташкилотларининг ўрни ва вазифалари ҳақида махсус қарор қилгани ва унга кўра ХДП барча даражадаги кенгашлари ва ташкилотларининг байрам тантаналарини тайёрлаш ва ўтказишда фаол иштирок этишларини таъминловчи тадбирлар белгиланганги ҳақида Марказий Кенгаш Матбуот марказининг хабари матбуотда чоп этилди.

28 февраль. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг «Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг 1995 йил биринчи ярмидаги иш фаолиятининг асосий йўналишлари тўғрисида»ги қарори матбуотда чоп этилди.

28 февраль. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг XIV пленуми бўлиб ўтди. Пленум муҳокамасига Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг республика Олий Мажлиси биринчи сессиясидаги маърузасидан келиб чиқадиган ҳамда 1995 йил 26 март куни Ўзбекистон Республикаси референдуми ўтказилиши муносабти билан Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотларининг вазифалари тўғрисидаги масалалар киритилди.

1 март. «Ўзбекистон Президенти И.А. Каримовнинг республика Олий Мажлиси биринчи сессиясидаги маърузасидан Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотларининг келиб чиқадиган вазифалари ҳақида» ва «1995 йил 26 март куни Ўзбекистон Республикаси референдуми ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг вазифалари тўғрисида» Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши XIY пленумининг қарорлари матбуотда чоп этилди.

2 март. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши XIV пленумининг 1995 йил 26 март куни Ўзбекистон Республикаси референдуми ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг вазифалари тўғрисидаги масалалар юзасидан тадбирлар режасини амалий ишда фойдаланиш учун жойлардаги ўз ташкилотларига юборди.

(Боши ўтган сонларда. Давоми бор).

«СОҒЛОМ МУҲИТ — СОҒЛОМ АВЛОД ГАРОВИ»

Шундай шиор остида 8 апрель куни «Тозалик ва кўкаламзорлаштириш ойлиги» якунловчи босқичида Умумреспублика экологик шанбалиги ўтказилади. Маълумки, «ЭКОСАН» Халқаро жамғармаси ташаббуси билан ҳар йили Экология ва саломатлик кунларини ўтказиш анъанавий тус олган. Мазкур тадбир Ўзбекистон ҳукумати томонидан маъқулланган.

Шанбаликда аҳолининг истиқомат ва иш жойларида ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш тадбирлари бўлиб ўтади. Ундан тушган маблағ минтақанинг экологик ҳолатини яхшилаш, табиатни муҳофаза қилишни кучайтириш, шунингдек экологик носоз туманларда яшовчи аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ишларига сарфланади.

■ Ширин РАҲИМБЕРДИЕВА

Конимех туманидаги «Конимех» ширкат хўжалигида қоракўлчиликда муҳим палла — қўзилатиш мавсуми муваффақиятли давом этмоқда. Хўжалик чорвадорлари кўкламда мавжуд 22,5 минг бош совлиқнинг ҳар 100 бошидан 105 тадан қўзи олишга аҳд қилганлар.

Айни пайда Ўрозжон ва Герақудуқ фермаларининг қўйчивонлари мавсумни намунали ўтказишмоқда. Улар мавсум охиригача мавжуд 520 бош совлиқнинг ҳар 100 тасидан 116 тадан соғлом қўзи олмоқчилар. Бу отар қўйчивонлари 1999 йилда 350 минг сўм даромад олишди. Бу йил эса тажрибали қўйчивонлар кўрсаткични яна оширишмоқчи.

Суратларда: *1. Бош чўпон Уақ Кувватов «Конимех» ширкат хўжалиги раиси Жандилла Буқаев билан. 2. Ёш чўпон Собит Кувватов.*

Собир ЗУФАРОВ (ЎзА) олган суратлар

ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ҚИРРАЛАРИ

Республикамизнинг мустақилликка эришиши халқимиз ҳаётидаги тарихий бурилиш нуқтаси бўлди. Мустақиллик шароитида қадриятларимиз, урф-одатларимиз, анъаналаримиз ва динимизнинг ҳақиқий моҳиятини тиклаш, асраб-авайлаш, ҳаётий таъсирчан воситалар асосида кенг халқ оммасига мунтазам етказиш каби масалалар алоҳида долзарблик касб эта бошлади. Президентимиз таъкидлаганларидек: «Бу соҳадаги энг асосий вазифамиз миллий қадриятларимизни тиклаш, ўзлигимизни англаш, миллий ғоя ва мафкурани шакллантириш, мукаддас динимизнинг маънавий ҳаётимиздаги ўрнини ва ҳурматини тиклаш каби мустақиллик йилларида бошлаган эзгу ишларимизни изчиллик билан давом эттириш, уларни янги босқичга кўтариш ва таъсирчанлигини кучайтиришдир». Бундай олижаноб ва масъулиятли вазифани бажариш учун маънавиятимиз билан боғлиқ барча томонларни, жумладан, урф-одат ва анъаналар каби миллий қадриятларни жиддий ўрганиш ва тадқиқотлар ўтказиш ниҳоятда зарур.

Мустақиллик маънавий қадриятларни тиклаш ва ривожлантиришни энг долзарб вазифа қилиб қўйганлигининг асосий сабабларидан бири урф-одатлар, анъаналарнинг миллий ҳаётда муҳим ўрин тутганлиги билан боғлиқ. Миллий ўзига хосликни урф-одат, анъаналарсиз тасаввур этиш мумкин эмас. Уларда ҳар бир халқнинг фалсафаси, дунёқараши, орзу-умидлари мужассам. Ана шу уйғунликда халқларнинг ўтмиши, бугуни ва келажаги намоён бўлади. Жамият тараққиётида мазкур уйғунликнинг намоён бўлиш даражаси, омиллари ва шарт-шароитлари мамлакат ижтимоий-маънавий ривожига бевосита таъсир этади.

Ҳар бир халқ ўзига маъқул бўлган, ўз дунёқараши, орзу-умидларини ифодалайдиган, шу халқнинг ўзига хос менталитетини намоён этадиган урф-одат ва анъаналарнинг ижодкори, соҳиби бўлади.

Дарҳақиқат, ўзбек халқининг миллий руҳияти, характери, унинг матал ва ривоятларида, аския ва латифаларида, ўлан ва қўшиқларида, лапар ва катта ашулаларида, достонларида, ўзбек мақомларида, дутор, танбур тароналарида, доира, карнай-сурнай садоларида қалби ва эҳтироси билан чамбарчас боғлиқдир.

Урф-одатлар қотиб қолган, ўзгармайдиган ёки ўзгаришга мойиллик сезмайдиган тамойиллар мажмуи эмас.

Аксинча, урф-одатларда, кишилар ички дунёси ўзига хос тарзда ифодаланади. Бугун ҳаётимизга сингиб кетган, биз амал қилаётган урф-одатларда ўзига хос ижод, фалсафа, дунёқараш мужассам.

Маросимлар урф-одатларга айлангач, энди у нисбатан кўпчилик томонидан «эътироф» этилганлигини, «маъқул» топилганлигини билдиради ва у анъанага айланиб боради.

Демак, «урф», «одат», «анъана» тушунчалари бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиш билан бирга, муайян маънода улар ўртасида тафовутлар ҳам бор. Бу жараён тадрижий йўл билан амалга ошади ва шаклланади. Бунда ўзига хос тарзда онг ва тафаккурдаги ўзгаришлар, қадриятлар, сиёсат, мафкура, мақсад ва ҳаракатлар, турмуш тарзи ҳам ўз таъсирини кўрсатиши аниқ.

Масалан, тўй маросимлари билан боғлиқ урф-одат ва анъаналарни мисол қилиб эмас, аксинча маънавий жиҳатдан бойиб, юксалишига, моддий имкониятлари билан уйғун бўлишига хизмат қилиши мақсадга мувофиқ. Шунда у ижтимоий, иқтисодий, маънавий тараққиёт омили сифатида яққол намоён бўлади.

Уни қуйидаги жиҳатларда кўриш мумкин:

Биринчидан, урф-одат ва анъаналар инсон руҳий оламини ўзида ифода этади ҳамда унинг руҳан покланишига ва юксалишига хизмат қиладиган негизни, ворисликни таъминлайди.

Иккинчидан, халқлар, миллатлар маданий ҳаётини бойитади, уларни ўтмиши, ҳаётида урф ва одатга ҳамда анъанага айланган ҳолатлар янги шароитларда янги урф-одатларга, анъаналарга ўз ўрнини бўшатиб бериши мумкин.

Урф-одат ва анъаналар турли йўллар билан шаклланади ҳамда авлоддан-авлодга ўтади ёки ўтмаслик ҳолатлари ҳам бўлиши мумкин. Масалан, муайян оила ёки ота-она фаолиятига хос бўлган урф-одатлар кейинчалик болаларига ўтиши мумкин, яъни болалар ота-она хатти-ҳаракати, хулқ-атвори, амал қилган айрим таомиллар болалар ҳаётида ибратли бир ҳолатлар сифатида улар томонидан қабул қилинади. Ана шу жараён болалар дунёқараши, давр ва замондаги ўзгаришлар билан ўзаро муносабатда содир бўлади. Яъни, давр ва замондаги ўзгаришлар ҳам нафақат инсонлар дунёқарашига, у орқали анъана ва урф-одатларга ҳам ўзининг таъсирини кўрсатади.

Урф-одатлар ва анъаналарнинг: а) авлоддан-авлодга; б) ота-онадан болага; в) маҳалладан маҳаллага; г) қишлоқдан қишлоққа; д) қишлоқдан шаҳарга; е) шаҳардан туман, вилоят ва республикага ўтиши, умумлашиши мумкин. Айрим урф-одатлар, анъаналар маълум бир тарихий давр чегарасида ҳам бўлиши мумкин.

Демак, урф-одатлар ва анъаналарга макон нуқтаи назаридан ҳам ёндошиш мумкин. Бундан ташқари урф-одат ва анъаналарга муайян халқ ёки этнослар нуқтаи назаридан қараса ҳам бўлади. Шунда қуйидаги ҳолатни кўриш мумкин: муайян миллат ва халқлар томонидан қабул қилинган урф-одат ва анъаналар бошқа миллат ва халқлар томонидан ҳам қабул қилиниши, бир-бирига ўтиши, узатилиши мумкин. Бу инсон ижтимоий, маънавий камолотининг асосий йўли, йўналишидир.

Урф-одат ва анъаналарнинг ҳаётийлигини таъминлаб берадиган муҳим негизлар оладиган бўлсак, унда ҳар бир инсоннинг, халқнинг, миллатнинг, ўз тасаввури, ҳаётий кечинмалари, дунёқараши, орзу-умидлари ўзига хос тарзда намоён бўлади. Бу ҳам доимо ўзгаришда, ривожланишда бўлган.

Урф-одат ва анъаналарга амал қилишда, халқлар унинг кўпроқ моддий сарф-харажатлар билан боғлиқ жиҳатлари орқали уни кўрсатишга ҳаракат қилса ёки унга мойиллик кучайса, унинг маънавий аҳамияти тушиб боради. Бу ҳолат муайян даражада салбий жиҳат касб этиши мумкин. Бу ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришгагина эмас, инсонлар маънавий-ахлоқий дунёсига, жамиятнинг умуминсоний-ахлоқий негизларига ҳам салбий таъсир кўрсатиши табиий. Шунинг учун ҳам урф-одат ва анъаналар ижтимоий тараққиёт билан узвий боғлиқдир.

Ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий ҳаётни эркинлаштириш жараёнлари урф-одат ва анъаналарга бўлган муносабат ва ёндошувларнинг ҳам ўзгаришини тақозо этади. Айниқса, бозор иқтисоди қонуниятларини ҳисобга олиш зарур. Бугун турмуш тарзи, урф-одат ва анъаналарни ихчамлаштириш, сарф-харажатларни камайтириш, кўпроқ инсонни халқ, миллат сифатида шаклланишига кўмак берадиган янгича урф-одат ва анъаналарни тақозо этмоқда. Одамлар онги ва тафаккурининг ўзгаришисиз урф-одат ва анъаналар ўзгаришини кутиш қийин. Инсонлар анъаналарга эмас, аксинча урф-одат ва анъаналарни инсонларга, даврга, шароитга, ўзгаришларга, янгича талабларга мослаб ўзгартиришлари, уни замонавийлаштириб боришлари зарур. Урф-одат ва анъаналар инсонларнинг моддий жиҳатдан қашшоқлашишига бугуни ва келажаги билан боғлаб, тараққиётда тадрижийлик орқали ривожланишни таъминлаб беради.

Учинчидан, урф-одат ва анъаналар муайян сарф-харажатлар билан боғлиқ бўлади. Унинг моддий ва маънавий жиҳатлари мавжудлигини ҳисобга олиш зарур. Шунинг ўзаро муносабатидан меъёр орқали ижтимоий-маданий ҳаётдаги натижалари намоён бўлади.

Урф-одат ва анъаналарда миллий ва умуминсоний жиҳатлар ўзаро муносабатда бўлади. Уни бир-биридан ажралган ҳолда тасаввур этиб бўлмайди.

Ўз-ўзидан маълумки, миллий урф-одат ва анъаналар тушунчаси унинг муайян миллатга хос ва мослигини англатади. Лекин қайси миллат номи билан боғлиқ бўлмасин, инсон омили унда устувор ўрин тутади.

Инсоний маъно ва мазмун касб этган, дунёқараш ҳамда тасаввурлари намоён бўлган урф-одат ва анъаналар, муайян миллат ёки этнос билан боғлиқ ҳолда аста-секин миллий характер, хусусият касб этади, миллий шаклга, қиёфага киради.

У муайян миллатга хос ёки мос урф-одат, анъана сифатида талқин этилади. Бунга шу миллат маънавияти, фалсафаси билан боғлиқ сабаблар ўзига хос мазмун беради. Миллатга хос менталитет, характер, дунёқараш, ҳаётга муносабат, идеаллар, меҳр-оқибат, орзу-умидлар, урф-одатларда, анъаналарда акс этади.

Урф-одатлар ва анъаналар ўзгарувчан, улар мутлақ эмас. Уларнинг ўзгариши кўпгина омиллар билан боғлиқ. Бир томондан, инсон дунёқараши, унинг ўзгариши билан боғлиқ ва унинг таъсирида ҳаёт тарзининг ўзгаришига ҳам олиб келади. Инсонлар бўлиб, булар қуйидагилардир: а) ҳаётийлиги; б) жамият маънавий, ижтимоий ҳаётининг бошқа томонлари билан боғланганлиги; в) кишиларнинг орзу-истаклари, умидларини акс эттириши; г) давр билан ҳамоҳанглиги; д) мамлакат тараққиёт эҳтиёжларига, мустақиллигига мос ёки мос эмаслиги билан боғлиқ урф-одатлар ва анъаналар. Тараққиёт жараёнида айрим урф ва одатлар анъаналарга айланиши ҳам мумкин. Шу соҳалар билан боғлиқ равишда анъаналар, урф-одатларнинг миллий ва умуминсоний жиҳатлари ҳам намоён бўлади.

Миллий ўз-ўзини англаш ривожига умуминсоний қадриятлар ҳам таъсир кўрсатади. Дарҳақиқат, ҳеч бир халқ бутунлай ўз маънавий ва моддий қадриятларидан воз кечиб ўзга халқ моддий, маънавий қадриятларини кўр-кўрона қабул қилмайди. Агар ҳар бир миллат ўз миллий анъаналарини, маънавий қадриятларини севиш билан биргаликда ўзга миллат маданиятидан, моддий ва маънавий қадриятларидан ҳам фойдалана олса, бу ҳол миллат маънавияти қанчалар юксак эканлигидан дарак беради. Миллий ўзлигини англашнинг яна бир жиҳати — ўз миллатини камситишга йўл қўймасликдир. Бу туйғу кишиларни шунчаки олийжаноб қилиб қолмайди, балки, унинг хулқ-атворини, ахлоқини, сиёсий ва маънавий поклигини, бурчга, ўз халқига ва унинг мукаддас жойларига, табиатига, қолаверса, Ватанига бўлган муносабатларини кўп жиҳатдан белгилаб, мукамаллаштиради, деб таъкидлаган эди Президентимиз. Юртбошимиз миллий мафкурани миллий маънавият асосида шакллантириш вазифасини миллатимизнинг ҳамма илғор зиёлилари олдига муҳим вазифа қилиб қўйдилар. Бу масалани амалга оширишнинг қуйидаги шартлари бор:

Биринчи шарти: миллий ўзликни англашни, халқимизнинг анъаналарини тиклашни, эзгу орзуларини амалга оширишни олий мақсад деб англаш;

иккинчи шарт: халқни ягона миллий истиқлол ғояси атрофида бирлаштириш, бунёдкорлик фаолиятини жонлаштириш;

учинчи шарти: миллий қадриятларимизга таяниб мукаммал, меҳнатсевар, ватанпарвар, юксак маънавиятли ва етук, ахлоқий фазилатларни ўзида мужассамлаштирган инсонни вояга етказадиган миллий мафкура яратишдир.

Урф-одат, анъаналар эса янги мазмун билан тобора бойиб, мамлакат тараққиётига хизмат қилади.

■ **Турсуной ТЎЙЧИЕВА, Ўзбекистон Миллий университети фалсафа кафедраси ўқитувчиси**

ЎЗЛИК

ХИНОЯТНИНГ ИЗДИЗИ

ГАЗЕТАНИНГ ШУ ЙИЛ 22 ФЕВРАЛЬ СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН «БИР ҚОТИЛЛИК ИЛДИЗИ»

Одатда журналистлар кўпинча фуқароларнинг суд, ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳукм, хулосаларидан норози бўлиб ёзган шикоят хатлари натижасида бу мураккаб мавзуга қўл урадилар. Аммо бу гал ундай бўлмади, яъни ҳеч ким бизга ҳеч қандай шикоят билан мурожаат қилмади. Унда ушбу мақолани ёзишига нима сабаб бўлди?

Ўйчи туман ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция подполковниги Олимжон Эргашев ва журналист Эркин Қамбаровларнинг мақоласида билдирилган фикрлар бизни анча ўйлантириб қўйди. Мақола шундай бошланади:

«Қотиллик юз бермаслиги мумкин эди. Бироқ унинг индаллоси синфда бўлган йиғилишдан бошланди...

Битирувчилар кечани эсда қоларли қилиб ўтказишга, бунинг учун эса ҳар қайси ўқувчидан келишилган миқдорда пул тўплашга қарор қилишди... Ўзига тўқ оиларнинг фарзандлари бу таклифни бажонидил қабул қилишди... Бироқ ота-оналари бирор ишнинг учини ушлолмай юрган ўқувчилар, ёрдамга муҳтож ва кам таъминланган оилаларнинг фарзандларичи? Бу таклиф уларга оғир botди.

Азимжон ҳам битирув кечаси ўтказиш таклифидан кўнгли зил кетган ўқувчилардан эди. Азимжон ўйлай-ўйлай охири йўлини топгандек бўлди. Бу йўл бирор кишини қақшатиш эди...»

тирганича бир неча вақт ушлаб турди. Қаттиқ зарбдан хушидан кетиб, сув ичида димиққан болакай қотил қўлида ана шу тарзда жон берди. — Мана энди мол-қўйи меники, — қотил ўзича шундай дея жасадни сувда қолдириб қирғоққа чиқди».

Шундай қилиб муаллифларнинг фикрича, Азимжон *«мактабнинг битирув кечасига пул топиш йўлида ана шундай жиноятга қўл урди».*

Муаллифлар ҳикоя қилаётган ҳодиса баёнига юзакироқ қараган айрим кишилар ишонишлари, беэътиборлик билан ўз газетасида чоп этишлари ҳам мумкин. Аммо воқеага мантиқан назар солиб, фикр юритиб кўрган кишида бир қанча саволлар уйғониши табиий.

Ахир, ўзингиз бир мулоҳаза юритиб кўринг, ақли раso, эслихушли, мактабнинг аълочи ўқувчиси, кўнгли ёруғ орзуларга тўлиб турган бир пайтда битирув кечасига пул топиш мақсадида тўппа-тўғри бориб 5-синф ўқувчисини ўлдириб молини олиб кетиш фикрига келиши мумкинми?

Жиноятнинг асл илдизи қотилнинг шахсий сифатларида эмасмикин?! Бу сифатлар асосида нима ётибди? Бола ақли заифми, руҳий касалми ёки бирор гиёҳванд модда истеъмол қилганми? Унинг хусумати бўлганми? Вояга етмаган қотил суд-психология экспертизасидан ўтказилдими? Бу ерда молни тортиб олишдан кўра биз учун номаълум ўзга ниятлар устунлик қилмаганми? Қандай вазият болани қотиликка қўл уришга мажбур этди? Бу вазиятлар ҳар томонлама ўрганилдими? Бола бу жиноятни содир этгунга қадар нима билан шуғулланган, кимларнинг таъсирида юрган, унгача ҳам бирор жиноят содир этганми? Қандай оилавий муҳитда улғайган? Синфдошлари билан муносабати қандай бўлган?..

Шу каби масалалар мутахассислар томонидан ўрганилдими? Наҳотки туппа-тузук йигитча бир қанча болалар кўзи ўнгида бир болани моли билан четга олиб кетиб, уни чўмиламиз деб, сувга олиб тушгач ўлдириб, яна ўзи бамайлихотир *«мана энди мол-қўйи меники...»* дея болакайнинг молларини одамлар орасидан кўркмай, ҳеч нарсадан ҳадиксирамасдан ҳайдаб ўтиб кетса?!

Асли битирув кечаси қилиш ҳақида гап бўлганмиди? Ўқувчиларни битирув кечаси қилишга мактаб ундаганми ёки бу ўзларидан чиққан фикрми? Агар синфдошлар шундай қарорга келган бўлсалар, қанчадан пул йиғишмоқчи бўлган? Ҳақиқатдан ҳам Азимжонлар оиласи шунчалик ночормиди?

Бундай воқеалар журналистда юзага келмаслиги мумкиндир, аммо милиция подполковникигидачи?..

Ана шундай гумон ва саволлар сабаб биз воқеа билан яқинроқ танишиш мақсадида Наманган вилоятига отландик. Ўйчи тумани Ёрқўрғон қишлоғилик ўлдирилган Улуғбек Тожибоевнинг ота-онаси, синглиси, уларнинг қўшнилари, қотил Азимжон Асқаровнинг онаси, вилоят, туман ҳалқ таълими бўлими бошлиқлари, Азимжон Асқаров ўқиган мактаб директори, синф раҳбари, ўқитувчилари, синфдошлари, суд тиббий экспертлари, мақола муаллифлари билан суҳбатлашдик. Наманган вилоят судининг 1999 йил 7 октябрда чиқарган ҳукми билан танишдик.

Дастлабки суҳбатларданоқ гумонларимиз бирмунча асосли эканлигига ишончимиз ортиб, бу ишда ҳали очилмаган бир қанча жумбоқлар бордек туюлди. Негаки, судда берган томонларнинг кўрсатмаларида ҳам, мақола билан суд ҳукми ўртасида ҳам бир қанча бир-бирига мос келмайдиган жиҳатлар бордек эди.

Марҳум Улуғбек Тожибоев ота-онасининг айтишича, Улуғбек сувга чўмиламан деб тушмаган, уни сувдан топишганда эгнида шўртиги, унинг устида шими бўлган. Шу билан бирга улар жасад ҳолати уч кун сувда қолиб кетганга ўхшамаслиги, сув лойқа бўлса-да, боланинг юз-кўзлари, сочига у қадар лойқа ўрнашмагани ҳақида гапирдилар.

Ажабланарли томони шундаки, марҳумнинг яқинлари икки марта унча чуқур бўлмаган Закан-ариқдан жасадни қидириб топа олишмаган экан.

Судда эса бунга жавобан гаввос «у жасадни топган жойни аввал ҳам одамлар текширганлигини эшитганлиги, лекин мутахассис бўлмаган одам сувни фақат оёқ билан кечиши (оёқ билан кечиладиган закан-ариқнинг чуқурлиги қанча бўлиши мумкин?! — *муал.*) ва жасаднинг ёнидан ўтиб кетиши мумкинлиги, улар кўл билан пайпаслаб текшириш натижасида жасадни топганликлари...» ҳақида кўрсатма беради.

Мақола муаллифлари Улуғбек Азимжонни аввалдан яхши таниши ҳақида ёзишади. Улуғбекнинг ота-онаси, Азимжоннинг онаси гапларига қараганда улар бир-бирлари билан аввалдан таниш бўлишмаган. Азимжоннинг судга берган кўрсатмасида: «бир бола молларини олиб келаётганлигини кўриб, молингни ипидан ушлаб олсанг осонроқ юради, деб танишиб қолганлигини... кун исиб кетганлиги учун чўмилмоқчи бўлганликларини ва у биринчи бўлиб сувга тушганлиги, кейин Улуғбек ҳам футболка ва бутсини (шимини-чи?- *муал.*) ечиб сувга тушганлиги, бирга чўмилаётган вақтда ўзини ёмон ҳис килганлиги ва ўзи ҳам сабабини англамаган ҳолда Улуғбекнинг оркасидан бориб бўйнидан сувга босиб пишганлиги, у бир-икки кўлидан чиқмоқчи бўлиб ҳаракат килганлиги, лекин кўлидан чиқолмай қимирламай колганлиги, кейин кўркиб кетиб, ўзи чўкиб кетган деб ўйлашлари учун кирғоқдаги футболка ва бутсини сувга ташлаб юборганлиги... хакикатдан ҳам Улуғбекни сувга пишиб ўлдириб кўйганлигига икрорлиги, лекин нима сабабдан ўлдирганлигини ўзи ҳам билмаслиги, тергов даврида терговчилар мажбурлагани учун кўй ва молларни олиб кетиб сотиш учун ўлдирдим, деб айтганлиги, лекин Улуғбекнинг молқўйларини олиб кетиш мақсади бўлмаганлиги, ўша кунларда ўзини ёмон ҳис қилиб юрганлиги сабабли онасини 3200 сўм пулини олиб чиқиб ишлатиб юборганлиги учун уйга кирмай қўйганлиги, дадаси Россияда бошқа аёлга уйланиб яшаши, ўқишга киришига ўзим ёрдам бераман, деб у ҳам келмаганлиги, ҳақиқатдан ҳам унга пул зарур бўлганлиги, (нима учун, қанча? — *муал.*) лекин Улуғбекни қўй-молларини олиш учун ўлдирмаганлиги, жиноятни бир ўзи содир этганлиги, Улуғбек билан жинсий алоқа қилмаганлиги, Улуғбекнинг ўлимида айбдорлигидан пушаймонлиги» баён қилинади.

Азимжоннинг онаси Собирахон Маматалиеванинг айтишича, оиланинг пулга муҳтожлик жойи йўқ. Ўғли ҳеч қандай битирув кечаси учун онасидан пул сўрамаган. Ўқитувчи ва синфдоши сўзларига қараганда, мактабда битирув кечалари пул тўплаб тантана билан эмас, ота-оналар иштирокида, ўтиришларсиз ўзига хос тартиб билан ўтказиб келинган.

Муаллифлар фикрича, Азимжон Асқаровга айнан битирув кечаси учун пул керак эди, тўғри Азимжон ҳам судда берган кўрсатмасида унга пул зарурлиги ҳақида айтади. Аммо унга бунча пул (Ўйчи туман Деҳқон бозорининг 1999 й. 14 августдаги 106-маълумотномасига кўра вояга етмаган Улуғбек Тожибоев боқаётган бир бош қўй, новвос ва ғунажиннинг умумий баҳоси 135400 сўмни ташкил этган) нимага керак бўлиб қолган эди?! Нега унинг ўзи бу ҳақда индамади? Бировдан қарзи бормиди? Биров уни шунча пул топиб келишга мажбурлаганми? Агар Азимжоннинг мақсади мол ўғирлаш бўлса, нега у Улуғбекни ўлдиргач, унинг моллаpинни одамларнинг кўзидан йитушмаган бўлса, унда Азимжон нега шимни ҳам сувга ташлаб юбормади? Агар у ҳам сувга ташлаб юборилган бўлса, нима учун судда берган кўрсатмасида у бу ҳақда ҳеч нарса демади, экспертларнинг шим қуруқ эди дейишларини қандай изоҳлаш мумкин? Агар Улуғбекни сувга шўртиги бўла туриб шими билан тушди, деб ҳисоблайдиган бўлсак, унда унинг шим билан чўмилишига ким мажбур қилган? Ахир шўртиги бўла туриб ким чўмилиш учун сувга шими

Яна бир жумбоқ бу биз юқорида ҳам тилга олиб ўтганимиз — Улуғбекнинг шими билан шўртиги. Марҳумнинг отаси Тожибоев Абдуғанининг экспертиза хулосаларидан қониқмаган, жасаднинг дафн қилинганига эса йигирма кун бўлган. Шунинг учун у сўнгги далилий ашё сифатида ўғлининг кийимларини олиб, бошқа жойда текширтирмоқчи бўлган, аммо Улуғбекнинг шўртиги ва шими уларга қайтариб берилмаган. Суд тиббий эксперти Т. Юсуповнинг ароқ даланинг этагига эмас, шундоқ қишлоқнинг гаввуж ерига Улуғбекларнинг уйи яқинидаги симёғочга олиб келиб боғлади? Мол ўғирлаш учун бир норасида болани ўлдириш шарт эмасдику?! Эслихушли, соғлом, олий ўқув юртига кириш орзусида юрган йигитчанинг ҳеч нарсадан ҳеч нарсасиз одам ўлдириши, сўнгра хотиржам унинг молларини олиб келиб, у яшайдиган маҳаллага кириб келиши мумкинми?!

Улуғбекнинг дадаси Тожибоев Абдуғанининг айтишича, жасадни сувдан олиб чиқишганда унинг эгнида шими, шининг ичида эса шўртиги бўлган. Улар экспертиза хулосасига қаттиқ ишонишган, бу орада жасад дафн этилган. Аммо хулоса билан улар 20 кундан кейин танишишган.

Суд тиббий эксперти Т. Юсуповнинг бизга берган маълумотига кўра, мурда текшируви 1999 йил 20 июнда бошланиб — ўтказилиб 3 июлда хулоса тайёрланган.

Азимжоннинг суддаги кўрсатмасида у Улуғбекни ўлдиргандан сўнг унинг оёқ кийими билан футболкасини (шимини эмас — *муал.*) сувга ташлаб юборганлигини айтади. Агар Улуғбек сувга шимини ечиб билан тушади?

Яна сирлироқ туюлган бир ҳол. Марҳум Улуғбекнинг дадаси фикрига кўра, дастлаб экспертиза хулосасида боланинг кийимларидан сперма доғлари топилди, кейин топилмади, деб бошқа хулоса тайёрланган экан.

Суд материалида эса бу борада шундай дейилади: «Суд мажлисида гувоҳ сифатида сўралган суд тиббий эксперти Юсупов Турғунбой вояга етмаган Тожибоев Улуғбекни жасадини суд тиббий экспертизасидан ўтказганлиги, шунда унинг ўлими тириклигида сувга чўкиб юқори нафас йўлларига суюқликнинг кириб тўлиши — механик асфиксия натижасида ўткир нафас ва юрак фаолиятини етишмовчилигидан келиб чиққанлиги аниқланганлиги, унинг орқа чиқарув органи ва кийимларида жинсий зўрлашга онд сперма доғлари ва жароҳатлар топилмаганлиги, асосий хулосани машинкада ёзишда ташқи текширув қисмида кийимлари — шими ва шўртигида «спермага хос доғлар топилди» деб «ма» қўшимчасини ёзишда хатоликка йўл қўйиб туширib қолдирилганлиги...» ҳақида кўрсатма беради.

Азимжоннинг судгача кўрсатмаси бўйича эса мурданинг эгнида бир дона кулранг шимни тизза қисмидан йиртиб тайёрланган шўртиги ва алоҳида газетага ўраб келтирилган қуруқ ҳолатда қора шими бўлиб, булар мурда билан эгаларига (кимга? — *муал.*) бериб юборилган. Афсуки, жиноятни очиш учун муҳим ашёвий далил бўладиган бу кийимларни олиб кетилганлиги ҳам ҳеч қаерда қайд этилмаган. Фақат бир ойдан кейин марҳумнинг ота-онасига унинг оёқ кийими — бутсини беришган, холос.

— Асқаров Азимжон ўғлимни ўлдирганига, бу ишни унинг ёлғиз ўзи қилганлигига ишонолмайман, — дейди марҳум Улуғбекнинг дадаси. — Агар мол-қўй учун ўғлимни ўлдирган бўлса, уларни олиб кетмай, аксинча уйимиз яқинидаги симёғочга боғлаб қўйиб дам олиб ўтирармиди?

Азимжоннинг онаси Маматалиева Собирахоннинг фикрига кўра, Азимжон мактабда фақат аълога ўқиб келган. Туман олимпиадаларида қатнашган. Унинг 11-синфдаги чорак баҳолари ҳам фақат «яхши» ва «аъло». Буни мактаб маъмурияти ҳам тасдиқлади. Аммо Азимжон 16 июнь куни имтиҳонга келмайди. Эртасига эса...

1
2
3

ДАСТЛАБКИ САММИТ

Коҳирада Африка ва Европа мамлакатларининг дастлабки саммити очилди. Саммит очилиши пайтида Франция Президенти Жак Ширак яқин икки-уч йил ичида Франция энг камбағал мамлакатлардан қарзини тўлашни талаб қилмайди, деди. Мен барча қарз берган давлатларни биздан ўрнак олишга чақираман, деб қўшиб қўйди у. 52 Африка мамлакати ва 15 та Европа иттифоқи аъзоси бўлмиш мамлакатларнинг давлат ва ҳукумат раҳбарлари тўпланган ушбу мажлисда муносабатларни янада мустаҳкамлаш ҳақида гап борди. Португалия Бош вазири Антонио Гутьерреш ҳозирги пайтда Европа иттифоқига раислик қилмоқда. У айтдики, Африка бугунги кунда халқаро тизимнинг қурбонига айланмоқда. Шу боис Африка мамлакатлари иқтисодий ва технологик инқилоб туфайли иқтисодий жиҳатдан анча орқада қолмоқда, деди у. Ўз навбатида Африка бирлиги ташкилотининг бош котиби Салим Аҳмад Салим Африка мамлакатларининг хорижий қарзларини узишни енгиллаштириш учун тезкор чоралар кўриш зарурлигини айтди. Бинобарин, Африка мамлакатларининг ташқи қарзи 350 миллиард доллардан ошиб кетди.

ЯПОНИЯДА ЯНГИ ҲУКУМАТ РАИСИ

Ўтган якшанба куни Япония Бош вазири Кейдзо Обутининг соғлиғи ёмонлашиб, шифохонага ётқизилганди. Сешанба куни эса унинг аҳволи янада оғирлашди. 62 ёшли Бош вазирнинг миясига қон қуйилиб, танасининг чап томони ишламай қолди. Бемор сунъий нафас олдириш аппарати ёрдамида яшаб турибди. Шунинг учун Кейдзо Обути истеъфога чиқди. Коалицион ҳукуматда етакчи роль ўйнаётган либерал-демократик партияда унинг ўрнига кимни тайинлаш ҳақидаги масала кўрилди. Япония ҳукумати эса бирданига жамоа бўлиб истеъфога чиқишга қарор қилди. Бу ўз навбатида парламент томонидан янги Бош вазирни тасдиқлаш учун имконият яратди. Бош вазир лавозимига либерал-демократик партия бош котиби Иосиро Мори, ташқи ишлар вазири Йохэй Коно ва молия вазири Киити Миядзава даъвогарлик қилишганди.

Куни кеча парламент ЛДПнинг раиси Иосиро Морига янги ҳукумат тузиш ваколатини берди.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Япония Бош вазирининг махсус вакили Мунзо Судзуки Россия Федерацияси давлат раҳбари Владимир Путин билан учрашганидан сўнг ўз сафарини якунлади. У Бош вазир Кейдзо Обутининг касаллиги ҳамда Япония ҳукуматининг истеъфоси муносабати билан ватанига қайтиб кетди.

* * *

Россия Федерациясининг Варшавадаги элчихонаси ёнида норозилик намойиши бўлиб ўтди. Оломон Россия байроғини топтади. Белоруссиялик ёш мухолифатчилар ва уларнинг польшалик тенгдошлари шундай усул билан Белоруссия ва Россия ўртасида иттифоқ тузилганлигига ўз норозиликларини билдиришди.

* * *

АҚШ йўлларида ўтган йили 41375 киши автоҳалокат туфайли оламдан ўтди.

* * *

Ҳайвонларни ҳимоя қилиш халқаро ташкилоти Швейцария ҳукуматидан ит ва мушукларни истеъмол қиладиган мамлакатларга сотишни тақиқловчи қонун чиқаришни сўраб мурожаат қабул қилди.

СИДНЕЙДА БАҲОРНИ ҚАРШИЛАБ

Юртимизда айни баҳор сепини ёйган бир пайтда спортчиларимиз олимпиада ўйинларига пухта ҳозирлик кўришмоқда. Маълумки, юртдошларимиз олимпиадада иккинчи марта мустақил Ўзбекистон шарафини ҳимоя қиладилар. Куни кеча эса пойтахтдаги миллий матбуот марказида йигит-қизларимизнинг Сидней олимпиадасига тайёргарлигига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Республика спорт қўмитаси, миллий олимпиада қўмитаси мутасаддилари бўлажак олимпиада юртдошларимиз учун фахрли ва масъулиятли эканини таъкидлашди. Атланта олимпиадасида иштирок этган спортчиларимиз орасида биргина жаҳон чемпиони бор эди, холос. Ўшанда вакилларимиз биттадан кумуш ва бронза медали билан қаноатланишган. Бу сафарги олимпиадага отланаётганлар сафида 9 нафар жаҳон чемпионининг борлиги мухлисларда умидворлик уйғотмоқда. Хусусан, бокс бўйича машҳурлардан саналган Муҳаммадқодир Абдуллаев билан Руслан Чагаев Сиднейда ўз имкониятларидан тўлиқ фойдаланишга ҳаракат қилишлари ҳақида сўзладилар. Маълум бўлишича, юртдошларимиз Сиднейга спортнинг 16 тури бўйича йўлланма олишга ҳаракат қилишмоқда. Мусобақанинг 10 тури бўйича олимпиадага йўлланма олганлар аниқланган. Улар 36 нафардан иборат. Қолган турлар бўйича яна 40 нафар спортчимиз олимпиада йўлланмасини олишга зўр беришмоқда. Сентябрь ва октябрь ойларида ўтказиладиган олимпиада ўйинлари чоғида ўлкамизда куз бошланган бўлса, курраи заминнинг жанубий ҳудудидаги Австралиянинг Сидней шаҳрида айни баҳор мавжланаркан. Ўйлаймизки, спортчиларимиз баҳорий кайфиятда майдонларга тушиб, мухлислар ишончини оқлашга ҳаракат қиладилар.

■ Мирзо АНВАР

ХАЛҚ БАНКИ ОМОНАТЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

2000 йилнинг 1 апрелидан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш ставкаси ўзгариши муносабати билан Давлат-тижорат Халқ банки жисмоний шахслардан қабул қилинадиган муддатли омонатлар (депозитлар) бўйича фоиз ставкаларини қайта молиялаш ставкасининг энг камида 75 фоизи ёки йиллик 22,5 фоиз миқдорида, юридик шахслар бўйича эса қайта молиялаш ставкасининг энг камида 50 фоизи ёки йиллик 15 фоизи миқдорида белгиланганлигини маълум қилади.

Шу билан бир қаторда, «Даромад» номли омонат тури бўйича йиллик 23 фоиз, «Болалар» мақсадли омонат тури бўйича йиллик 24 фоиз, кўрсатувчига бериладиган муддатли омонат тури бўйича 25 фоиз миқдорида белгиланди.

Шунингдек, 1 йилдан 3 йилгача сақланган муддатли омонатлар бўйича йиллик 22,5 фоиз;

3 йилдан 5 йилгача сақланган муддатли омонатлар бўйича йиллик 24 фоиз;

5 йилдан юқори муддат сақланган муддатли омонатлар бўйича йиллик 26 фоиз миқдорида даромад тўланади.

Ўз бўш пул маблағларингизни Халқ банки омонатларида сақланг ва оилавий бюджетингизнинг қўпайишига замин яратинг!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ ОМОНАТЛАРИНГИЗНИНГ САҚЛАНИШИ ВА ФОИЗ ДАРОМАДЛАРИНИНГ ТЎЛАНИШИНИ КАФОЛАТЛАЙДИ.

«НАВРЎЗ — БОҚИЙ БАЙРАМ» ТАНЛОВИГА

Йўлдош МУҚИМОВ, Азим СУЮН

БОҚИЙ НАВРЎЗ

(Киноқисса)

Қамчи Қиронов жуда зўр ўхшатиш топганидан ўзи мамнун бўлиб, талтайиб кетади. Майдондагилардан бу маҳоратига баҳо кутиб, уларга савол аломати ила термулиб туради.

— Шайтоннинг бутун кирдикорларини очиб ташладингиз! Қамчи Қаҳриманович, — деган овоз чиқди одамлар орасидан, — Шайтон энди бизни алдаёлмайди. Хўроз қандини ўзи есин!

Қамчи Қиронов янада талтайиб, завқу шавққа тўлиб теварак-атрофга қарайди, йиғилганларга нигоҳ ташлайди ва хулоса қилади.

— Молодец, биз синфий ҳушёрликни қўлдан бой бермаслигимиз керак! Ўтмиш сарқитларига қарши оловли кураш очишимиз зарур!

Қамчи Қиронов Сандалиминбардан сал нарироқда тўшалган гиламча устига тизиб қўйиб сотилаётган ўйинчоқ қўғирчоқларга қайрилиб қараб ўшқиради, сандали устидан югуриб тушади-да, кўчқор шохли қўғирчоқни қўлига олади ва сўрайди:

— Бу нима?

— Арқар! — жавоб беради қўғирчоқ сотувчи.

— Йўқ, бу шайтоннинг ўзгинаси. Шайтон ҳар турли қиёфада юради, шуни нега билмайсиз!

— Ахир бу зочак-ку! — эътироз билдиради сотувчи.

— Зочак эмас, шайтоннинг сурати бу! Тайсалламанг! Ҳаммасини биламиз, ҳаммасидан хабардормиз... мана буларни қаранг! Буниси недур? — Қамчи Қиронов яна бошқа қўғирчоқни қўлга олади.

— Буниси тагал!

— «Тагал» деганиз эчкининг эри-да. Ахир эчки нима? Шайтоннинг ҳамшираси...

Қамчи Қиронов қўғирчоқларни тепиб сочиб юборади.

— Буларнинг ҳаммасини шайтон ўйлаб чиқарган, аммо-лекин тушунмайди авом. Мана қаранг, ҳўкизнинг шохини мойлаб ўтирипти булар! Бу нимага керак?! Тирқиш мойлайдилар, омоч, поза чархлайдилар. Булар не даркор? Шундоқ азамат трактурлар турганда ҳўкиз, омоч, бўйинтуруғ, бунақа тарақа-туруқ кимга керак?

Кўпкари, улоқни олинг! Кимни боши ёрилган, кимни қўли синган, оёғи чиққан... Қўчқор уриштириш, хўроз жанги нима деган гап? Бундоғ бемаъни ўйинлардан одамлар ҳам андоза оладилар-да! Ахир, бир ўйлаб қаранг, ҳа ўзингиз ўйланг! Уруш дегани шундан келиб чиқади-да! Бари сарқит булар! Сарқитлар бугунги порлоқ социалистик ҳаётимиз боғига ёт унсурлар эккан шумғиёлардир. Ҳа, шумғиёлардир, бошқа баҳо йўқ! Юлиб, ёндириб ташлансун шумғиёлар!

Шотирлар Қамчи Қироннинг қувватлайдилар:

— Ҳа, шумғиёлардир. Юлуб ташлансун шумғиёлар!

Қўпориб ташлансин шумғиёлар!

Қамчи Қаҳриманович янада илҳомланиб кетади, маъруза тобора шиддатли ва қатъий тус олади.

— Сарқитлар олға қадам ташлашимиз йўлида, социализм ва коммунизм ғалабаси сари оламшумул юришимизда тўғаноқдурлар!

Шотирлар:

— Ҳа, ҳа, тўғаноқдурлар!

Қамчи Қиронов яна жиддийлашади:

— Мана Наврўз арафаси тунлари ва ҳатто кундуз кунлари, уйлар, хонадонлар ва ажабланарлиси шуки, оғилхоналарда ҳам шам ёқадилар. Табиий савол туғилади. Бу ҳол ачинарли бўлмай нима? Ильич чироқлари олдида шамчироқ нима? Ақл бовар қилмайдиган ҳолат бу! Бу — бедодлик. Бу — шармандалик. Бу — хурофот!

Қамчи Қаҳриманович шу қадар қичқирдики, томоғи қирилиб, овози бўғилиб қолди. Лекин у йўтала-йўтала ҳамон сўзлашда давом этарди, ўзини тўхтата олмасди.

— Наврўз сайли ўтказиб, бизга ёт, бизнинг совет воқелигимизга, чуқур мазмунли ва тўлақонли янги ҳаётимизга тамомила зид сарқитлар ботқоғига ботиб кетганлиги учун, порлоқ ва шарафли номга доғ туширганлиги учун «Коммунизм сари» колхозининг раиси Дармон Армонов партия сафидан ўчирилсун ва ишдан олинсун!

Пастдан овоз чиқади:

— Дармон Армонов коммунист эмас-ку, ахир?!

Қамчи Қаҳриманович ўйлаб қолади, киприкларини бежо тебратади. Шотирларидан бири шу топда унинг қулоғига шипшийди: Қамчи Қаҳриманович тетикланади-да, кескин қилиб дейди:

— Ундоғ бўлса, олдин партияга қабул қилинсин, сўнгра ўчирилсин! Унинг жиноятининг оғирлиги учун шундоғ қилинсин! Бундай касга, йўқ-йўқ, касга эмас, нокасга битта жазо етмайдур!..

Қамчи Қиронов қоғоздан бошини кўтариб, майдонга қарайди, жазоланувчини қидиради.

— Қани раис? Биз партияга қабул қиламиз, у йўқ, биз партиядан ўчирамиз, у йўқ! Биз жазо берамиз, у йўқ! .... Нима деган гап бу! Саботаж, ҳа,ҳа, саботаж!...

Ҳамма сайилгоҳни тарк этган эди. Аммо район марказидан келган бу арбоб бош кўтармай маъруза қилиш билан, шотирлари эса унинг бу тарихий кўрсатмаларини тинглаш ила банд эканлар, одамлар тарқаб кетганини сезмай қолган эдилар.

Қамчи Қиронов шунга қарамай, маърузани тугаллашга, хулоса ясашга ўтди:

— Шундоғ бўлганидан кейин, ўртоқлар, наврўз сайли ўтмишдан қолган сарқитдан бошқа нарса эмас. Биз, дунёда бирдан бир илғор ғоя, коммунистик ғоялар ила қуролланган кишилар ушбу сарқитлар ила чиқиша олмаймиз. Коммунистик мафкура, социалистик турмуш тарзига ёт унсур сифатида наврўз сайли бундан буён тақиқланади. Кимдаким, бу сарқитга йўл қўйса, тегишли жазога тортилади...

...Қаттиқ шамол туриб, маърузани бузади...

Тўзон, тўс-тўполон орасидан Аҳриман ва унинг тўнғич арзандалари Аямажуз ва Аҳман-Даҳманлар чиқиб келадилар. Сайилгоҳда тўхтаб,Қамчи Қаҳрановичга қараб, ўшқиради:

... Не қилишни билмассен,
Айтганимни қилмассен.
Бундоғ ўгит не керак.
Оловмисен ё кесак?!
Хуруж бундоғ бўладур,
Кўринг, бари ўладур...
Бор бошқа шотурларим,
Беаёв ботурларим...

Бўрону-тўзон орасидан хунук, хириллаган, дўриллаган овоз чиқади:

Дерсиз мени шум кампир,
ожиз,
Лек эмасмен ҳеч
қачон ёлғиз.
Атрофимда қирқ бир
югурдак,
Қирқ бир шотур,
қирқ битта айғоқ,
Бари ботур, бари довюрак,
Кундуз уйғоқ,
тунлари уйғоқ...

Майдонда қолган одамлар ҳам қочадилар, ўзларига ким ҳамла қилаётганини тезда англаб оладилар ва дадиллик кўрсатиб, дейдилар:

Билдик, билдик
Аямажузсен.
Ёвузсену, бироқ ожизсен.
Сени мудом одамлар излар,
Топиб олса, сўяр, бўғузлар...

Бироқ Аямажуз ҳеч тинмас, ҳамма ёғни ағдартўнтар қилиб ташлар. Майдон теварак-атрофидаги гулзорларни пайҳон қилиб топтар, бирор кимсани тингламас...

Осмондан шу топда чақмоқ чақар, фалак — пўстак қоқишин қўймас, таҳликага тушган одамлар осмону фалакка қараб, илтижо қиларлар:

Фалак бизни асрагил,
Яхламасин обу-гил.
Ёмон кўзла боқмагил...
Чақмоғингни чақмагил...
Бўронни шашти синсин,
Шамолинг тезроқ тинсин!
Тоғларда қор эрисин,
Дарё тошиб, сув келсин!

Ва лекин тўғри айтмуш донолар, тушунмайди илтижони дайдию бегоналар, телбаю девоналар. Эшитмайди фалак, яна чақади чақмоқ, яна гулдирайди момақалдироқ. Одамлар қаҳру ғазабга минадилар. Қўлга болтаю ўроқ, болғаю тўқмоқ, кетмону курак, таёғу калтак оладилар, шумоёқ, қораёлоқларни қувлашга тушадилар. Илтижо қилишдан қайтиб, тенг курашиб, қаттиқ ва аччиқ сўз айтишга киришадилар. Шу дақиқаларда одамлар қаҳру ғазабга миниб, қўлларига қурол олганликлари ни кўрган Аҳриман, Аҳман-Даҳман, Аямажузни қолдириб, жуфтак ростлайдилар. Ёруғлик худоси Хурмуз тепадан шуъла сочиб, булутларни қувлаб келар эди...

Одамлар:

Аямажуз, эй Аямажуз,
Бунча бўлмасанг ёвуз.
Йилинг эҳтимол тўнғиз,
Тинмай кечаю кундуз.
Қилмишингдур тажовуз,
Нафасинг мунчалик муз.
Яхлаб қолади юлдуз,
Касбинг фақат буза-буз.
Мерган бўлиб, нишонлаб,
Оёқ-қўлинг кишанлаб,
Бўғизлармиз, сўюрмиз,
Очиқ гўрга қўюрмиз...

Самодан мусиқа садолари янграйди. Мусиқа илоҳий тўлқинлар қанотида учар экан, қочаётган булутлар, чекинаётган қоронғуликни қувиб, ҳайдаб юбораётгандай туюлади. Фазодан мусиқага ҳамоҳанг бўлиб, сеҳрли овоз эшитилади:

... Асрлар оша, авлодлар кетидан авлодлар ўтиб борадур. Аямажуз ҳамон ва ҳамон бедоду бедор, одамларга берадур озор. Улар Аямажузни тағин ушлаб, бошига муштлаб тиқурлар гўрга, қийналиб зўрга, яна ва яна қочади такрор, ул шаддод, маккор...

Шул сабабки бўрон бордур, тўзон бор. Ўтар йиллар минг-минг ва лак-лак, ўкирар бўрон, бўкирар тўфон, такрор ва яна такрор. Аммо инсон боши узра ўша офтоб, ўша юлдузлар ва мангу фалак, гўёки бир чамбарак, секин-аста айланур, бўлиб чархпалак. Ўша ва ўша, кўҳнадан кўҳна йўллардан ҳамон ва ҳамон, узоқ манзиллар кўзлаб, гоҳо шодон, гоҳо туядай бўзлаб, ҳазин ва нолон, қайта-қайта ўтиб борадур карвон. Бир кун эмас, бир кун насиба бўлиб бутун, эзгу ниятлари, кўзлаган манзиллари, муроду мақсадига етадур инсон. Бугун бўлмаса эртага, эртага бўлмаса индинга эсону омон. Фақат касофату офатдан, фалокату ҳалокатдан асрагай замон!

Ғаразгўю ғанимлар, зулмат келтирувчи золимларнинг йўқдур сони-саноғи, ғурбат ва кулфатнинг, туҳмату хусуматнинг оёғ-адоғи. Юздур Аямажуз, мингдур Аямажуз. Ва лекин ҳаммаси, ҳаммаси Ҳазрати Инсондан ожуз...

(Давоми 4-бетда)

ҚАЕРДА?

МАҚОЛАСИ ЮЗАСИДАН МУЛОҲАЗАЛАР

Энди яна мақоладаги фикрларга қайтсак. Муаллифлардан бири Ўйчи туман ички ишлар бўлимининг бошлиғи Олимжон Эргашев, Азимжоннинг онаси Собирахон Маматалиева, Азимжон ўқиган 13-мактаб директори Орипа Ғофурова, ўқитувчилар Маматхон Жўраев, Толибжон Қосимов, Муҳаммаджон Раҳматуллаевларнинг сўзларига қараганда, Азимжоннинг ота-она тарафи ҳам туманнинг боobрў, ўзига тўқ кишилари экан. Азимжон мактабда ҳаммадан яхши кийиниб юрган. Россияга кетиб қолган дадаси ҳар келганда ўғлига пул бериб турган, Азимжоннинг зориқиб юрганини ҳеч ким кўрмаган.

Муаллифлар эса бу ҳолни кўрабила туриб «профилактика» қилиш мақсадида осонгина мактабни айбладилар. Мақолаларнинг нобдорга чиқарган. «Бир қотилмига аҳамият беринг, Азимлик илдизи», нега энди улар Азимжоннинг ўзига тўқ хонадонда эканлигини билганлари ҳолда, унинг оиласи ночор, битирув кечасига пул топа олмайдиган даражада бўлганлигидан жиноятга қўл урди, дея хулоса чиқаришади? Нега унда судга вилоят, туман халқ таълими раҳбарияти, мактаб директори, ўқитувчиларидан бирорта одам чақирилмади? Нега улардан сўралмади?

Хўш, Азимжоннинг ўзи қандай муҳитда ўсиб воғга етди? Муаллифлар бу томонини ўрганиб кўришдими? Азимжоннинг онаси Маматалиева Собирахоннинг йиғлаб айтган сўзларига қараганда, ўғли икки йўл орасида қолиб кетди. Болаликдан оилавий хотиржамлик кўрмади. Ёқрўғон қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Б. Раҳматуллаев, Боғ кўча маҳалла фуқаролар йиғини раиси О. Боймирзаев, 13-ўрта мактаб педагогика кенгаши берган маълумотларга кўра, Азимжоннинг отаси Асқаров Орифжон, бола кичкиналигида қамалиб кетади. Муддатни ўтагач, 1984 йилда Россияга кетади. Ҳозирда у Хабаровск ўлкасида фермер хўжалигининг раҳбари бўлиб ишлайди. Маматалиева Собирахон 1991 йилда иккинчи бор турмушга чиққандан кейин Азимжон тарбиясига ёлғиз бобоси Аҳмадали Маматалиев масъул бўлган. Маматалиеванинг иккинчи турмуши ҳам бўлмай қайтиб келгандан кейин 1998 йилга қадар Азимжон онаси, сингиллари билан бобосининг ҳовлисида бирга яшашган. Азимжон ҳар йили отаси таътил олиб қишлоққа келганида 15 кун 1 ой отасининг уйига чиқиб яшаб юрган. 1998 йилдан эса бобоси ва онасини ташлаб бутунлай ота ҳовлисига чиқиб кетган. Онаси олиб келгани борганда Асқаров Орифжоннинг укаси Асқаров Маъруфжон «акамни ўғли мен билан бирга юради» деб бермаган.

Бола икки оилада бўлганлиги учун онаси назорат қила олмаган. Онанинг гапига қараганда, ўғли кундузлари унинг олдига келиб турган, аммо у охирги пайтларда қаерда, ким билан юрган, кечалари амакиларининкида тунаганми, йўқми билмайди.

Таълим-тарбия мактабнинг иши дейминг, тўғри лекин бола-чи, у бизники-ку! Ахир у куннинг ярмида мактабда бўлади, қолган қисмидачи — уйда, маҳаллада, кўча-кўйда-ку?! Демак, унинг тарбиясига нафақат мактаб, ҳаммамиз бирдек жавобгармиз.

Ақлли, тажрибали одам, муаммони беркитмайди, муаммо сабабларини аниқлаш жараёнида ўзгаларни айблаш билан чекланмайлаб, уни бартараф этиш йўлларини белгилайди. Жумладан, агар у раҳбар бўлса, ўз ҳамкасблари, қўл остидагиларнинг вазифаларини аниқ белгилайди ва ишларини назорат қилади.

Аксинча, муаллифларнинг хулосалари кўпроқ бир милиция ходимининг ўз назорати остидаги ҳудудида юрган бир маст одамни бошқа ҳамкасби назоратидаги кўчага семони ҳал қилдим, деб ўйлашига ўхшаб кетади?

Мақола муаллифларидан яна бири журналист Э. Қамбаров ҳам асли мана шу Ўйчи туманилик бўлишига қарамай, жиноят тафсилотлари билан яхши танишмаган. Терговчи берган маълумотларни олгану ўз наздида «жиноятнинг илдизи»ни топа қолган.

Албатта, муҳтарам газетхонни жиноятчига берилган жазо ҳам қизиқтириши табиий. 1999 йил 7 октябрда бўлиб ўтган Наманган вилоят судининг жиноий ишлар бўйича судлов ҳайъати ҳукмидан: «Воягa етмаган Асқаров Азимжон Орифжонович Ўзбекистон Республикаси ЖК 97-моддаси 2-қисми «в, ж, и, о» бандлари, 164-моддаси 3-қисми «г» банди билан айбли деб топилсин.

Асқаров Азимжонга нисбатан ЖК 97-моддаси 2-қисми «в, ж, и, о» бандлари билан ЖК 85-моддаси 3-қисми «в» бандини қўллаб 10 (ўн) йил озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинлансин. ЖК 164-моддаси 3-қисми «г» банди билан 10 (ўн) йил озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинлансин.

ЖК 86-моддаси 3-қисмига асосан тайинланган жазо чораларини қисман қўшиш йўли билан воягa етмаган судланувчи Асқаров Азимжон Орифжоновичга нисбатан ўташ учун 14 (ўн тўрт) йил озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлансин».

1999 йил 15 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг очиқ суд мажлисида эса раислик этувчи С. Исмоилов, ҳайъат аъзолари А. Тургунов, Б. Исмоилов, Ўзбекистон Республикаси бош прокурори ёрдамчиси М. Баратов иштирокида Наманган вилоят судининг 1999 йил 7 октябрдаги А. Асқаровга нисбатан чиқарган ҳукми юзасидан иш кассация тартибида кўриб чиқилади ҳамда ажрим қилинади:

«Суд А. Асқаровнинг жиноий ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖК 97-моддаси 2-қисмининг «в,и,о» бандлари ва 164-моддаси 3-қисмининг «г» банди билан тўғри квалификация қилиб қилмишига яраша жазо тайинланган.

Лекин суд унинг ҳаракатини ЖК 97-моддаси 2-қисмининг «ж» банди билан нотўғри ортиқча квалификация қилган, чунки иш материалларидан аниқланишича, А. Асқаровнинг мақсади У. Тожибоевни ўта шафқатсизлик билан ўлдиришга қаратилмаган, бу ҳолатни тасдиқловчи далил ишда мавжуд эмас. А. Асқаровнинг маҳрум У.Тожибоевни сувда чўктириб уни ҳаётдан маҳрум қилганлик ҳолатини ўта шафқатсизлик билан қасддан одам ўлдириш деб баҳолаб бўлмайди, шунинг учун ҳукмдан ЖК 97-моддасининг 2-қисмидан «ж» банди чиқарилиши лозим.

Юқоридагилардан ташқари, иш материалларига қараганда, марҳум У. Тожибоевни ўлдиришда судланган А.Асқаровдан ташқари бошқа шахслар ҳам иштирок этган деб айтиш учун ишда асос йўқ. Бу ҳолатни ҳам тасдиқловчи бирорта далил ишда мавжуд эмас.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 490, 491, 509-моддаларига асосланиб, судлов ҳайъати

АЖРИМ ҚИЛДИ:

Наманган вилоят судининг 1999 йил 7 октябрдаги Асқаров Азимжон Орифжоновичга нисбатан чиқарган ҳукми ўзгартирилсин.

Ҳукмдан ЖК 97-моддасининг 2-қисмидан «ж» банди чиқарилсин, ҳукмнинг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин. Келтирилган кассация шикоятлари қаноатлантирилмасдан қолдирилсин».

Мақола муаллифларининг масъулиятсизлигига яна бир оддий мисол, улардан бири кимсан, туман ички ишлар бўлимининг бошлиғи, милиция подполковниги, иккинчиси вилоят прокуратурасининг «Дийнат» газетаси бош муҳаррири ўринбосари бўлса-да, иш нима билан якунланди? Жиноятчига қандай ҳукм чиқарилди? Ҳукм кучга кирдими? Протест келтиришганми? Жиноятчига қўйилган айбловга ўзгартиришлар киритилганми-йўқми қизиқиб кўрмайдилар.

Одамнинг ёши улғайган сари ҳаётий кузатишлари ҳам чуқурлашиб, фикри тўлишиб боради. Мансабдор бўлса, лавозими юқорилашган сайин масъулияти, одамлар тақдирига бўлган эътибори ҳам ортиб боради. Нима муаллифлар ушбу мантиқсиз хулосалари қанча одамлар тақдири билан боғлиқлигини билмасмидилар? Бу масъулиятсизликми ёки камчиликдан ортиқчами? Ёки улар бу мақола билан обрў-эътибор топишни ўйлаганмидилар? Журналист Олий суднинг ажримидан бехабар эди дейлик, аммо муаллифлардан яна бири Ўйчи туман ички ишлар бўлимининг бошлиғи, милиция подполковниги О. Эргашев эди-ку! Уларга ўзи яхши ўргатмаган, сўнгги тафсилотларидан бехабар бўлган иш ҳақида, яна ҳамма айбни мактабга ағдариб мардказий газетага мақола ёзиш нимага керак бўлиб қолди?! Бу «профилактика»дан кўзланган асл мақсад нима?..

Хулоса сифатида шуни айтишни истар эдикки, биз суднинг ҳукмига эътироз билдириш фикридан йироқмиз. Аммо назаримизда бу ишда кўп саволлар жавобсиз қолгандай туюлади. Ҳаётда шундай судялар бўладики, улар чиқарган ҳукмдан жабланувчи ҳам, суд залига йиғилган гувоҳлар ҳам қониқиш ҳосил қиладилар. Ҳатто, кўп ҳолларда бундай судяларнинг адолатли ҳукмига жиноятчилар ҳам қойил қолишади. Шу боис ҳам алломалар «агар сен одил ҳакам бўлишни истасанг, қороловчига эмас, ишнинг ўзига қара» деб таълим берганлар.

Тафсилотни ўрганиш жараёнида ҳаёлга бир қатор саволлар келди. Азимжон яна ниманидир яширмаётганмикин? Уни бирор нарса судда нотўғри кўрсатма беришга мажбур қилмаганмикин? У судда «ҳақиқатдан ҳам Улуғбекни сувга пишиб ўлдириб қўйганлигига иқрорлиги, лекин нима сабабдан ўлдирганлигини ўзи ҳам билмаслиги, тергов даврида терговчилар мажбурлагани учун қўй ва молларни олиб кетиб сотиш учун ўлдирдим деб айтганлиги, лекин Улуғбекни молқўйларини олиб кетиш мақсади бўлмаганлиги» ҳақида айтади. Суд мажлисида сўралган психиатр эксперт Г. Козубская эса «судланувчи Асқаров Азимжоннинг рухий ҳолатини экспертизадан ўтказганда ҳеч қандай рухий хасталик ва ўзгаришлар аниқланмаганлиги, у жиноят содир этаётган вақтида ҳаракатлари оқибатини тўла тушунадиган ҳолда бўлганлиги...» ҳақида кўрсатма беради.

Ҳар қалай нафақат бизни, балки салкам йигирма минг аҳоли истиқомат қиладиган Ёқрўғон қишлоғилик кўплаб фуқароларнинг фикрича, Азимжон қотил, аммо у қотилликни айнан қасддан Улуғбекни ўлдириб, молини ўғирлайман деб қилмаган. Жиноятни содир этган пайтда эс-ҳуши жойида, ҳаракатлари оқибатини тўла тушунадиган ҳолатда бўлган экан, хўш, унда Улуғбекни нима учун, нима мақсадда ўлдирган?! Жиноятнинг асл илдизи қаерда?!

Шу каби саволлар барибир кишини ўйлатади. Бу ҳақда мутасаддилар ва ҳамма ёқда бир бор ўйлаб кўрса, кўпгина савол ва гумонларга ўрин қолмасмиди.

■ Минҳожиддин МИРЗО

БОҚИЙ НАВРЎЗ

(Киноқисса)

(Давоми. Боши 3-бетда)

IV
КИМДАН КАСОФАТ, КИМДАН ШАРОФАТ

... Ёруғлик тангриси Ҳурмуз нур сочарди, Зулмат булутлари тарқалиб, қочарди, табиат ажиб чирой очарди. Енгил еллар елар, хушбўй ҳидлар келар, бутун борлиқ, еру-осмон, замону-даврон эркин нафас оларди...

... Қачонлардир нотинч макон ва таҳликали замонни тарк этиб, Тангри ҳузурига учиб кетган ва Парвардигорнинг минг бир отидан мингтини айтиб, Аллоҳ остонасига етган Сўфитўрғай Яратганнинг бир номини айтолмай, парвоз қилиб турган жойида муаллақ қолди. Қутлуқ қуш бетиним ва безовта қанот қоқар, Ҳақ Таоло отларини ҳамон зикр этарди. Бироқ недурки, минг бир номидан бири эсга тушмасди, шунинг учун ҳам Тангри Таолонинг висолига етолмасди, қанот қоқиб жаврар эди:

... Бир отим Сўфи тўрғай,
бир отим Тожли тўрғай,
Қарорим йўқ бир ерда,
ночор ҳолим ким сўрғай?
Ҳақ уйини излармен,
«Ҳақ!» деб мудом
бўзлармен,
«Ҳақ!» деб ёниб куйлармен,
«Ҳақ!» деб ёниб сўзлармен.

Арш Алодан садо чиқди:

... Наинки Ҳақ-Ҳақиқат
мангу сирли зиёдир,
Ҳақ сизнинг ўзингизсиз,
яратулмуш дунёдир,
Ҳақни самода эмас,
ўзингизда излангиз,
Бахтни фазода эмас,
Ер-Заминда кўзлангиз!

Сўфитўрғай ушбу илоҳий сўзларни эшиттач, ортга қайрилди, келган томони Ер-Замин сари қанот қоқди. Қутлуқ Тож Тўрғай Тангри ишорасидан мамнун экан, йироқ йўл олдидан қанотларини бир-бирига такрор-такрор уриб қайрар, Оллоҳ васли ишқида яйрар, она-ер дийдори иштиёқида шодиёна сайрар эди.

...Гоҳо келур касофат, гоҳо
ёғур шарофат
Олам остида ётур азал
тарозу, нисбат.
Яхши-ёмон аслида юрар
навбатма-навбат,
Гоҳо тақдиринг ёруғ,
гоҳо қисадир қисмат.

Бир лаҳза сукут сақлар ва яна сайрар:

Эзгуликлар Тангриси
Покдомон Ҳурмуз ила,
Балоларни даф этиб,
ерга ёруғ юз ила,
Манглайда чарақлаган
шўъладор юлдуз ила,
Авлодларга аталган мангу
оташ сўз ила,
Коинотга нур сочиб,
илоҳий Зиё қайтур,
Менинг ила қўшқанот,
самодан Ҳумо қайтур,
Зулмат пардасин ёриб,
нурафшон дунё қайтур,
Янги авлодга монанд
донишманд даҳо қайтур...

Илоҳий Қутлуғ қуш тили инсон тили ила алмашади, табиат гўзаллиги ва одамзоднинг теран туйғулари тўғрисидаги оташин сўзлар баҳорий еллар қанотида самодан ер-замин сари қуйилиб тарала бошлайди. Муборак сўзларни тинглаб тоғу-тошлар, дарёлар, чўлу-биёбонлар жунбушга келади, жонланади, эндигина ёйилаётган дарахт барглари, очилаётган ғунчалар, кўм-кўк майсалар тўлғонишади, яйраб-яшнашади.

«... Наврўз айёми баҳор келиши, табиат уйғониши, ғўзалликнинг очилиши демакдир.

Бу кун ҳар бир шахс, ҳар бир инсон самимий, тоза ниятларини, туйғуларини юзага чиқарадиган, севинчлари, орзуниятларини, умидларини дўстлари, биродарлари билан баҳам кўрадиган кун.

Рамазон аслида қунт билан покланишдир.

Бу йил Наврўз шу вақтга тўғри келиб қолиши ғўё табиатимизнинг ажойиб донолигини кўрсатгандай. Чунки Наврўз ҳам одамзод туйғуларининг, ниятларининг тозаланиши, покланишидир.

Халқимиз буюк Наврўз айёмини бир-биримизга энг пок, энг тоза ниятларимизни билдирадиган, кўнгилни кўтарадиган, муҳаббат ва садоқатимизни аямайдиган байрам деб билади.

Келинг, дўстлар, кимда қандай гина-аламлар бўлмасин — унутайлик, шафқат ва меҳрибонлик кўрсатайлик, ким қайси миллат-элат вакили бўлмасин — орамизда аҳиллик ва ҳамжиҳатлик мустаҳкамлансин...»

Ўзбек эли Йўлбошчисининг эзгулик ва гўзаллик байрами Наврўз ҳақидаги бу сўзлари нақадар илҳомбахш! Бу сўзлар яқинлашиб келаётган Истиқлол шабадасининг, Хуррият насимининг илк қўшиғи, эзгулик даъватидек Ер-замин узра янграб, фазога таралади.

... Кенг ва улкан, поёнсиз майдонлар узра садо янграйди. Қаёқдан чиқаётганини пайқаб олиш қийин. Балким осмондан, балким еру-заминдан. Само саҳрога ўхшар, саҳро фазога ўхшар...

Ассалом, Наврўз,
Ассалом, Наврўз!
Муштоқдир олам,
Жамолинг кўргуз!

Фазою-само боз гулдирайди, чақмоқ чақади, учқунлар, елдиримлар елиб, еру-замин ила туташгандай бўлади.

Заминдан садо чиқади:
Кимдурсен, билдурғайсен,
Оё чақмоқдурсен,
Ярқираб, ялтирайсен!
Оё момақалдироқсен,
Титрайсен, қалтирайсен!

Яна осмонда садо яққолроқ, яқинроқ эшитилди:
Ҳақ-рост,
чақмоқ-чақинмен,
Гоҳо йироқ, гоҳо яқинмен,
Ерўғлонмен, оқинмен.

Заминдан садо:
О, Ерўғлон, Ерўғлон,
Тағин қилдингми туғён!
Чақмоқ бўлиб учгандинг,
Юлдузларни қучгандинг.
Нега бунча ғулғула,
Нега бунча гулдурак!

Фазодан садо:
Босмагай элни ғафлат,
Муродим шулдир фақат,
Одамлар юрғай зийрак,
Ўйғониб, хушёр, сергак.

Яна чақмоқ чақиб, момақалдироқ гулдурайди, яна осмондан нидо янграб, акс-садо беради:
Ассалом, Наврўз,
Ассалом, Наврўз,
Чиройингни қилғайсан
кўз, кўз!

Заминдан садо:
О, эллар аро чечан сўз,
Қўлингда борми қўбуз?

Жавоб ўрнида дилрабо наврўз куйлари янграйди.

Наво тугаб, Ерўғлон оқин шарпаси ерга яқинлашади.

Замин ила мулоқот давом этади:

Ерўғлон оқин:
Юзингда бунча доғлар,
Қўлларингда қадоқлар!?

Замин:
Юзда доғлар-тирноқлар,
Ҳанжар ила пичоқлар.
Доғлар шуларнинг изи,
Тирноқларнинг илдизи.
Неча марта кўр бўлдим,
Пешонаси шўр бўлдим,
Неча яшнадим, сўлдим,
Неча туғилдим, ўлдим.
Тинглагай буткул жаҳон,
Кимда бор, иймон, виждон.
Яна қайтиб зўр бўлдим,
Ёронларга жўр бўлдим.

Бир зум сукут сақлаб, Ерўғлонга қараб:
О, Ерўғлон, Ерўғлон,
Оқинмисан ё бўрон?
Тинглагай еру-осмон,
Тинглагай қутлуғ инсон...
Ўт эдим, ўчирдилар,
Элимдан кўчирдилар.
Кул эдим, қайта ёндим,
Авжиб, аланга олдим.
Қудратли олов бўлдим,
Муқаддас ялов бўлдим.

Ерўғлон оқин майдонда тўпланганларга назар ташлайди ва мурожаат қилади:

Ёронлар қўл очингиз,
Кўкка қулоқ осингиз,
Осмондан келур нидо,
Нидо илоҳий дуо.

Осмондан садо:
Ёмон юрмагай,
Тўфон турмагай,
Инсон ўлмагай.

Заминдан садо:
Омин!

Осмондан садо:
Ер ёрилмасин,
Қон қорилмасин,
Эр йиқилмасин,
Қиз қирилмасин.

Заминдан садо:
Омин!

Осмондан садо:
Зот йўқолмасин,
Фарёд қолмасин,
От қоқилмасин,
Ёд ёқилмасин.

Заминдан садо:
Омин!

Осмондан садо:
Ҳаммасин, ҳаммасин,
Тангри асрасин,
Душман ҳамласин,
Балолар сасин,
Шумлар нафасин,
Олов ямласин.

Заминдан садо:
Омин!

Ерўғлон оқин тарих саҳифасига рақам урадир:
Одамлар сўрарлар:
Наврўз нимадир?
Такрор-такрор келур
минг силсиладир.
Йиллар ёшин яшаб,
топадур якун,
Тенглашиб, қўл берур
кундуз ила тун.



Агар ўлчасангиз йиллар
мобайнин,
Баробар турадур
тарозу-шайин.
Наврўз палласида табиат
гулгун,
Майсалар гуркирар,
барглари дуркун,
Борлиқ халос бўлур қиш
нафасидан,
Сибқориб ичингиз хур
нафасидан!!!

* * *

Тоғ бағрида шалола, булоқлар бўйида лола сайли. Бу ерга бир гуруҳ қизлар келишган. Улар қадимги одатга кўра булоқ сувига роз айтиб, ўз тақдирларини, бахтларини билмоқчилар.

Йиллар мобайнида юракда қат-қат тўпланган сир-асрорлар Наврўз арафасида ёки сайил кунлари фақат сувга, булоқ бўлса булоққа ёки дарё, ариқ, ҳовузлар бўйига бориб изҳор қилинади, сув париларидан мадад сўралади. Ривоятларга биноан тиниқ сувли, мусаффо булоқ бўйларига фалакдан фаришталар тушадилар ёки ер остидан сув парилари чиқадилар. Улар ер-замин гўзаллари ила қўл беришади ва биргаликда қўшиқ айтиб, рақсга тушадилар. Шунинг учун қизлар гоҳо тиниқ осмонга, гоҳо мусаффо булоқ сувига термулиб парилар ва малойикаларни кутганлар, сувга қараб куйлаганлар:

... Ҳам онасен, ҳам ота,
Роз айтгани келдик биз.
Ўтган йиллар айтувдик,
Боз айтгани келдик биз.
Сенга ҳамоҳанг бўлиб,
Соз чертгани келдик биз.

Сув бошида Сулаймон,
Сувдан мадад тилайман.
Йўлиқмасин шум йулмон,
Қўлингни бер ҳур-ғилмон.

Қизлар булоқ сувига термула-термула ҳамон сув париларини кутар эканлар, уларга мурожаат қилиб лапар айтиб, рақсга тушиб кетадилар:

Биринчи гуруҳ қизлар:
Осмону-фалак узра,
Порлаб турар ҳулкари,
Қайнар булоқлар ичра,
Кокил тарар сув пари.

Иккинчи гуруҳ қизлар термулиб туриб:
Ўйнаб келур биз сари,
Тўққуз пари, юз пари.

Биргаликда:
Сув пари, ҳой, сув пари,
Ҳур пари, ҳой, ҳур пари,

Қизлар булоқнинг уёғидан-буёғига югуриб, париларни ер-заминга чорлайдилар, эгилиб сув остига термуладилар:

Биринчи гуруҳ қизлари:
Наврўзда ҳар сафари,
Кетмасмиз сувдан нари...
Сув пари, ҳой, сув пари!
Ҳур пари, ҳой, ҳур пари!

Булоқ суви остидан бир неча пари кўринади ва ер-замин қизлари сари йўлланади. Бироқ ерда яхши юролмайдилар, тўлғониб-тебранадилар, худди рақса тушгандай...

Ер-замин қизлари шодуҳуррам ва ҳайратда бармоқлари ила париларни кўрсатиб, куйлайдилар:
Қаранг бўлиб сар-сари,
Келар неча нафари...

Сўнгра атрофга мурожаат қилиб:
Чиқиб қолодур бари,
Келинг буён ёш-қари.

Булоқдан яна бир неча парилар чиқади, олдингилари ортидан югуради. Сув ости парилари ва ер-замин парилари қўл беришиб, бирлашадилар. Биргаликда ўйнашар эканлар, сув парилари ер-замин париларига қарата мурожаат қиладилар:

Париларнинг сарвари,
Турон-замин қизлари,
Ширин-ширмон юзлари,
Шаҳло-шаҳло кўзлари.

Қаёнда бор ҳурлиқо,
Танҳолардан ҳам танҳо,
Ўтаверсинлар бари,
Сизлар дунё дилбари!

Турон қизлари:
Қўлларда кўзамиз бор,
Сиз учун бўзамиз бор,

Сув парилари:
Кўза кўтармак учун,
Қизларга билак керак,
Маъшуққа етмак учун,
Ошиққа юрак керак!...

Турон қизлари:
Бунда шунча ёш юрак,
Сиздан тилайди тилак,
Тилак-тақдирни билмак,
Бахтдан бергайсиз дарак!..

Шу дақиқаларда жануб ёқлардан учиб келаётган қалдирғочлар булоқ бўйига келиб қўнадилар ва шалолаларга қанот уриб ўйнайдилар. Улар ҳам шоду-хуррамлик ила рақсга тушиб, куйлайдилар. Балким қизлар ва қалдирғочлар бир-бирларига жўр бўлишадилар, ҳамоҳанг қўшиқ айтадилар:

Қизлар:
Сойдан учган қалдирғоч,
Тоғдан учган қалдирғоч,
Қанот қоққан қалдирғоч,
Бизга боққан қалдирғоч,
Элчимисан ё тилмоч!

Қалдирғочлар:
Қизлар жуда чиройли,
Қалам қошли, сунбул соч,
Кокилмикан ёки тож!
Ёрон бўлиб кийрой,
Бирга юрайлик дойим,
Бормикан шунга илож?

Қизлар:
Қалдирғоч бизга қардош,
Қаноти қизларга қош,
Аёзга бериб бардош,
Олиб келади қуёш,
Яхши кунингда йўлдош,
Ёмон кунингда йўлдош.

Биргаликда:
Қуёш нурингни тез соч,
Булут уйингга тез қоч,
Баҳор қучоғингни оч,
Ўйнайлик ёзиб қулоч,
Қувнайлик кериб қулоч.

Булоқ тепасида фалакдан яқинлашиб келаётган илоҳий ёғду нурлари пайдо бўлади. Сир-асрорга тўла шарпа саслари эшитилади. Ер-замин ва сув парилари фазога тикиладилар: Оппоқ парқу қанотларини оҳиста-оҳиста тебратиб, Ҳумо қуш парвоз қилиб келади. Ер-замин қизлари ўз тилаклари, армонлари, орзулари ижобат бўлаётганидан шоду-хуррам куйлайдилар:

Ҳумо қуш-о, Ҳумо қуш,
Рўёмисан, ё бир туш!
Парларинг ҳарир, кумуш,
Сени асли нур туғмуш.
Ҳумо қуш-о, Ҳумо қуш,
Интизормиз, тезроқ туш!

Кўзларинг олов янғлиғ,
Қанотинг ялов янғлиғ,
Қўнғил, қошимизга қўн!
Бўлурсан ҳур Ватанлиғ.

Атрофингда парвона,
Айтурмиз биз тарона,
Тўйгунча қона-қона,
Юраклар ёна-ёна...

Сени бахт қуши, дерлар,
Тожу-тахт қуши, дерлар,
Қўнғил, бошимизга қўн,
Барака топсин эллар.
Ҳумо қуш-о, Ҳумо қуш,
Интизормиз, тезроқ туш!

Эл донишманди — Элдониш пайдо бўлади. Унинг овози худди самодан қуюлиб, Ер-Замин узра янграйди:
Азалдан аталур бу
макон Турон,
Ва яна ном олмиш
буюк Туркистон.
Ўтади замонлар,
келади даврон,
Довонлар кетидан
ошади довон.

Бул макон ҳудуди бўш деб
ўйламанг,
Ғафлат хуружида хато
сўйламанг,
Қиру-тоғларида соқчидир
Арслон,
Ҳар бир қадамида минг бир
паҳлавон...

Бир зум сукут сақлаб осмонга тикилади ва Тангрига илтижо қилади:
Илтижо қилурмиз Тангрим
астойдил,
Элимни ёв балосидан
асрағил;
Алғов-далғов балосидан
асрағил,
Иғвою-ғавғо балосидан
асрағил!
Ногаҳон бўҳтон балосидан
асрағил!
Бўрону-тўфон балосидан
асрағил!

Осмону фалакдан садо келади. Ерўғлон оқин куйлаётир. Наврўз наволари янграйди. Куй пасайиб-пасайиб, маромига етиб тугаши билан оқин нидо солади:
О, Наврўзи олам,
Наврўзи олам,
Кўркамлардан сен кўркам,
Ўктамлардан сен ўктам,
Элга бўл мангу ҳамдам!

Заминдан садо:
Севган элимни дермен,
Мудом ғамини ермен,
Қўлласа арслон-шерман,
Йўқ эрса қора ерман.

Ерўғлон оқин:
Қадаминг қутлуғ бўлсин,
Насибанг тўлуғ бўлсин,
Қайтиб қўнган манзилинг,
Табаррук-улуғ бўлсин!

Заминдан садо:
Кимдан келур шарофат,
Кимдан эса касофат.
Шумларнинг бели синсин,
Кўрмайлик энди офат...

Ерўғлон оқин Сийрати ер-замин узра муаллақ туради. Аввал ғира-шира, қоронғулик-ёруғлик орасида шарпа намоён бўлади. Кейин сувват халойиққа яқинлашади. Салобатли қиёфасидан нур тўкилади. Атроф теваракка, йиғилганларга қараб, уларни фотиҳага чорлайди. Ўзи ҳам икки қўлини озод кўтариб, кафтларини очади.

Ёронлар қўл очингиз,
Кўкка қулоқ осингиз,
Осмондан келур нидо,
Эзгу илоҳий дуо.

Ерўғлон овози осмондан келаётгандай туюлади:
Эл ўтказар маърака,
Тангри берур барака,
Ҳеч ким қолмасин якка,
Ҳамма етсин тилакка!

Халойиқ:
Омин!

Ерўғлон оқин:
Эл ўтказар маърака,
Тилаб бахту-барака,
Тикилмагил фалакка
Қувват йиғил билакка;

Халойиқ:
Омин!

Ерўғлон оқин:
Омин деган бўлсин омон,
Яхши қолиб, кетсин ёмон,
Кулиб боқур бахтли замон,
Нурга тўлур жумла жаҳон.

Ерўғлон қўнган ерга — баланд тепаликка халойиқ орасидан эл-юрт оқсоқоли Элдониш аста-секин салобатли қадамлар ташлаб кўтарилади. Икки донишманд қучоқлашади, гўё осмон билан замин бирлашади. Сўнгра иккаласи ҳам халойиқ томон қайрилиб, унга меҳр кўзлари ила назар ташлашади. Қадди-қоматларини хиёл эгиб, таъзим қилишади. Йироқйироқларга тикилишиб, ҳозир ўз кўнгилларида туғилган теран туйғуларини баён этишга киришади.

Ерўғлон оқин:
Элимга қайтаётган иймон-виждон кўрмоқдамен,
Алпу-ботирларга хос
марду-майдон кўрмоқдамен.

Элдониш:
Йироқларга отланган қатор
карвон кўрмоқдамен,
Карвон бошида зукко
сардор-сарбон кўрмоқдамен.

Ерўғлон оқин:
Келажакда юртимни
доруломон кўрмоқдамен,
Эзгуликка йўл олган
давру-даврон кўрмоқдамен.

Элдониш:
Ўтган қутлуғ аждодлар,
зоту-зурёдлар ҳақи,
Келгусида туғилур фарзанд,
авлодлар ҳақи,

Ерўғлон оқин:
Сизга омад тилаймен,
баланд қомат тилаймен,
Мангуга завол кўрмас
бахт-саодат тилаймен.

Еру-Замин ва арзи-самога Наврўз наволари таралади. «Наврўзи-сабо» ва «Наврўзи-Бузург» куйларидан бири янграйди.

Бу қадимий куйни қутлуғ Наврўз иди тикланганлиги тўғрисидаги янги халқ қўшиғи давом эттиради, икки оҳанг уланиб, қўшилиб кетади. Шу пайтда давра ўртасида ҳамма тўпланади. Сайилда қатнашаётган машшоқ ва муғаннийлар, созанда-хонандалар билан биргаликда халқ жўр бўлиб куйлайди. Давра ўртасида гўзал санамлар, раққосалар чарх урриб, товус сингари ҳиромон бўлиб, рақсга тушишади. Халқ янгитдан тўқиган «О, Наврўз сайли, сайли» қўшиғи янграйди.

О, Наврўз сайли, сайли,
Сен-сен кўнгиллар майли.
Айриликда шунча йил,
Ошди дилларнинг дарди.

Сени элдан ким қувди,
Эзгу изингни ювди.
Сени чорлаб қайтарди,
Юртнинг довюрак-марди.

Муштоқ эдик ҳар баҳор,
Қайта кўришдик дийдор,
Яна элга бўлдинг ёр,
Дилдан кетди дард гарди.

Юртимизнинг қизлари,
Нигоҳлари ғамзали,
Қалам қошлар ўсмали,
Шаҳло кўзлар сурмали.

О, Наврўз сайли, сайли,
Туғилдинг қай маҳали?
Сен байрамлар гўзали
Сендай сайил йўқ ҳали.

О, Наврўз сайли, сайли,
Эл қувнар сен туфайли,
Сен кирган хонадоннинг,
Бордир барака-хайри...

Боз куй янграйди. Томошабинларни Наврўзнинг мангулиги тўғрисидаги яна бир янги қўшиқ, янги оҳанг кузатиб қолади:

Сарин еллар еладур эрта
баҳор палласи,
Эллар бўйлаб кезадур
Наврўзим нашидаси.
Оламларни ёритур зулмат
қувар шуъласи,
Кўнгилга берар сурур
дилрабо ашуласи.
Аждод-авлодлар ўтар,
ортида зурёд қолур,
Мўътабар зотлар ўтар,
элда ёрқин ёд қолур,
Кулфат-офатлар ўтар,
бахту саодат қолур,
Бўхтон-тухматлар ўтар,
эл севган одат қолур.
Наслимиз асли асил,
ўз сўзидан тонмади.
Ўртанди ёлвормади,
ўз изидан тоймади,
Ўзгалар удумидан
дилларимиз қонмади,
Ёвузлар ўт қўйса ҳам
Наврўзимиз ёнмади.
Бағри доғ гуллолалар
мунгли йиллар ноласи,
Жўшқин, шўх шалолалар
юраклар таронаси,
Муборак бахтхоналар озод
юрт остонаси,
Нур тўла кошоналар
Ҳуррият нишонаси.

(Охири. Боши ўтган сонларда).

БОШ МУҲАРРИР
Азим СУЮН

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат — 133-44-55
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-12-56
Котибият — 133-21-43
Реклама ва эълонлар 133-47-80, 133-38-55,
Факс — 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 136-53-16;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи
Ҳайдар Носиров

Газета «Ўзбекистон овози»-нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Сахифаловчи-дастурчи
Бахтиёр Жуманов

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00004
Газета офсет усулида, А—2 форматида босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳririят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 182

Топшириш вақти -- 21.00.
Топширилди -- 21.00.
1 2 3 4 5 6

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА